

83.3
М 37

Равшанбек МАҲМУДОВ

ТЎРА СУЛАЙМОН



83,3

м. 37

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ


РАВИШАНБЕК МАҲМУДОВ

ТЎРА СУЛАЙМОН

Рисола

Тўлдирилган иккинчи наشري

9/3



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2008

83.3(5Ў)6
М37

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор **Ҳ.Болтабоев**

Тақризчилар:
филология фанлари номзоди, профессор **Ҳайитбой Мирхайдаров**,
педагогика фанлари доктори, профессор **Қозоқбой Йўлдошев**.

*Рисола Гулистон давлат университетининг илмий-услубий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.*

Маҳмудов, Равшанбек.

Тўра Сулаймон / Р.Маҳмудов; Масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев;
ЎзР олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Гулистон Давлат ун-ти. —
2-тўлдирилган нашр. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2008. — 64 б.

Рисоладан Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университети профессори
Тўра Сулаймон ижодининг ўзига хос қирралари, халқона шэъриятти ва дostonлари,
истиқлол тафаккури ила таҳлил қилинган публицистик мақолалари талқини,
кузатишлари, фикр гулшани чечаклари — қайдлари ўрин олган.

Рисола мактаб, лицей, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, институт, университет
талабалари учун қўлланма вазифасини ўтайди.

ББК 83.3(5Ў)6

М 4702620304—74 қатъий буюртма, 2008
М352(04)—2008

ISBN 978-9943-03-179-1

© Р.Маҳмудов,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 йил.

ИЖОДКОР БУРЧИ

Муқаддима

Алишер Навоий: «Олимларга таъзим, бу — пайғамбарларга таъзимдир», деган эди. Бизнингча, бу фикрни ижодкорларга нисбатан ҳам айтса уринлидир. Негаки, ижодкор ҳамisha халқдан олдинроқда юради. Инсонларни турмуш қийинчиликларига чидашга, ҳаёт гўзалликларидан ҳайратланишга, гўзалликни ҳис қилишга, яшашидан мақсади нима эканлигини англашга ургатади. Янада соддароқ қилиб айтсак, инсонларни ўзини ўзи яхши куришга, ҳурматлашга, бир-бирларига меҳр уйғотишга ургатади.

Хуш, унда ижодкор ким — тарбиячими, олимми, фозилми? Инсонни ижодкор қилиб вужудга келтириш мумкинми? Бизнингча, йуқ. Шифокорни, кулол, қушиқчи, мусиқачи-ю каштачини, ҳатто, ўқитувчини ҳам шакллантирса бўлади. Лекин ижодкорни вужудга келтириб бўлмайди. Инсон ҳамма нарсани ўрганади, ўзлаштиради, ўқиб олади. Аммо ижодкорликни, шоирликни фақат урганиш, ўқиш орқалигина ҳосил қилиб бўлмайди. Ижодкорлик — табиат томонидан берилган катта иноят. Яратганининг назари тушган инсонларгина ижодкор — шоир бўладилар, бизнингча.

Ижодкор бўлиш онгли равишда ўзини азобга, изтиробга дучор этишдир. Ижодкор профессионал билимга, иқтидорга эга бўлиши керак. Бу эса ниҳоятда қийин иш. Шунинг учун айрим ёзувчи, бастакор, мусаввирлар, ҳатто, ўқитувчилар ҳам ўзларини ижодкор деб атайдилар. Ҳолбуки, беш-унта шеър ёзиб, битта-яримта китоб чиқазган билан инсон ижодкор бўлиб қолмайди.

Ижодкор кундалик ҳаётдан олдинда юрадиган, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдира оладиган, фикрлари билан бошқаларга таъсир утказадиган кишидир. У жонкуяр, ҳар бир ютуқни кура ва сеза оладиган, ута хушёр, фаҳм-фаросати юксак даражада ривожланган бўлиши лозим.



Тура Сулаймон энг тоза памил чой ичарди. Чойнакдан чойни ули
 қўйиб ичишни ёқтирарди. Пиёласини ҳеч кимга бермасди.
 1999 йил, 4 май.

Шу уринда бир огриқли фикрни айтадиган бўлсак, баъзи ижодкорларнинг чунтагида ижодкорлигини тасдиқловчи гувоҳномаси бор, аммо бирон-бир салмоқли китоби, юракни титратадиган бирор гапи, фикри йуқ. Бундайлар, «Мен ижодкорман!» деб кукрагига уради. «Биз — ижодкорлар» деб гап бошлайди йилларда. Яна бир тоифадаги ижодкорлар борки, уларнинг ёзганларини маза қилиб ўқийсиз, тафаккурларининг кенглигидан ҳайратга тушасиз. Негаки, уларнинг асарларидан ўзбек дostonчилиги, тилшунослиги, пахтачилиги, тупроқшунослиги, деҳқончилиги, ипакчилиги, миллий қадриятлари туғрисида маънавий озуқа оласиз.

Ижодкор — аввало инсон. Бу инсонларга Аллоҳ илрокни, ҳис-туйғуни бошқалардан мулроқ қилиб берган. Бундайлар ҳақиқий ижодкор, уз бурчини теран тушунади ва бу бурчини оқлашга бутун умрини бағишлайди. Ўзбекистон халқ шоири Тура Сулаймон 73 йиллик умри давомида ана шундай ижодкорлик бурчини шижлонан бажариб келган файласуф олим ва шоир эди.

Тура Сулаймоннинг 2001 йил 6 декабрда «Ўзбекистон овози» газетасида босилган «Тил — узагимизнинг, узлигимизнинг, узига беклигимизнинг бош белгиси» мақоласи республика матбуоти, маданияти ва адабиёти осмонида чақмоқдек чақнади. Айрим матбуот ва телевидениеда узбек тили бузиб, ғализ ҳолатда фойдаланилаётганлиги далиллар асосида танқид қилинди. Бу мақолага жуда куплаб олимлар фикр билдиришиб, шоирни қўллаб-қувватлашди. Ҳолбуки, мақолани катта тилшунос олимлар, шу соҳанинг нонини йиллаб еб келаётган мутахассислар эмас, чунда ижод қилаётган, халқ тилини яхши билган Тура Сулаймон ёзди ва халқни матбуот, телевидение орқали саводсиз қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини уқтирди.

«Номусли, орли эрлар суянгулик, суйгулик», «Аслида бешикдан бошланар қушиқ», «Ота юртим» каби унлаб мақолаларининг ҳар бири — катта бир кашфиёт, жуда катта меҳнат, олимларга хос мушоҳада маҳсули эди.

Шоирнинг йигирмадан ортиқ шеър ва дostonлари жамланган китоблари чоп этилган. Ҳар бир китоб узбек адабиёти учун янгилик, унинг ривожига қўшилган ҳиссадир. Шунинг учун ҳам Тура Сулаймон ижоди саккизинчи синф адабиёт дарслигига киритилган. Бутун Урта Осиё халқлари унинг ижодини ўқиб-урганмоқда, завқ-шавқ олмоқда, маънавий эҳтиёжларини қондирмоқда. Эл таниган машҳур кишиларнинг таржимаи ҳолини такрорлаб утиришга ҳожат йўқ, чунки уларнинг ҳасби ҳоли халққа маълуму машҳур. Биз ҳам айна шу тамойилга амал қилиб, шоир таржимаи ҳоли борасида сўз очмадик. Аммо шоирнинг ўзи ёзиб қолдирган, ҳали китобхон ҳукмига ҳавола қилинмаган дил кечинмаларини Сиз азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик.

ДАВЛАТ ОДАМИ

Буюк шахслар неча аср-неча замонларда пайдо булгани мисоли менинг туғилган йилим ҳам атоқли солномачилар томонидан алоҳида қайд қилиниб, олтин ҳарфлар билан битилган бўлиши керак (Йуғ-э). Онамнинг айтишига қараганда, арғумоқликлар отсиз, саййидзодалар авратсиз қолган, покдомонлар хор, ҳаромзодалар бахтиёр булган; беклар қулга, уламолар бир пулга айланган йили дунёга келган эканман. Уша, 1934 йили отам қулоқ булиб, мол-мулки талон-тарож қилиниб, узи ҳибсга олиниб, Жиззах ҳибсхонасининг «тури»ни эгаллайди. Онам шўрлик бир этак бола — Умнат, Амир, Ҳамза оғамлар, Файбулло укам ва мен билан зор қақшаб қолғон. Биргина мен эмас, уша қиргин-қиронли йиллари туғилган бубакларнинг купчилиги пешаналарига «халқ душмани», «ёт унсур», «бой», «мулло», «хужа», «эшон», «тура» деган тамға ёпиштирилган ота-оналарининг кузларига бола эмас, бир бало булиб куринганлигини айтиб утмасам ҳам булар. Дарвоқе, бола ингалаб туғилган кун — кунлари уйларига қувонч эмас, бир қоп — бир қанор қайғу бостириб киргандан сунг гур буларми эди.

Қишлоғимизда мулло Худойқул (Аллоҳ у кишининг руҳини шод, охиратини обод қилган бўлсин!) исмли гапга ўта чечан бир киши бўлар эди. Баланд буйли, кенг ёғринли, бугдой рангли эканлигини элас-элас эслайман. Унинг ҳар бир ҳикматомуз гапи ҳали-ҳамон Сангзор — Сойбуйида яшовчи кекса-ёшнинг тилидан тушмай келади. Шу гапларнинг бири менинг ҳақимда.

Меҳмонхона — уй тула одамларнинг гаплари келиб-келиб отам ҳақида кетибди:

— Бу дийман, Сулаймонқул нимага, нимасига қулоқ булди экан?

Бу саволга, нимага бўлар эди, ҳозир икки киши биров ҳақида гувоҳлик берса булди. Олди-орқасини чангаллаганича ё халқ душмани, ё бой булиб кетиб бораяпти, дейишнинг ўрнига мулло Худойкул уй тула одамни оғзига қаратиб, дейди:

— Ҳали эшитганларингизча жуқ, шекилли. Туман катталарига Исталиннан «Туркистон ўлкасининг узоқ гушасида жойлашган Алдашмон деган қишлоқда Туракул исмли бола туғилди. Бу бола катта булса, Совет ҳукуматининг бошига битган бало бўлади. Шунинг учун дарҳол уни кучуклигида талашга киришилсин. Ишни отасини қулоқ қилишдан бошлансин», деган мазмунда курсатма келганмиш.

Одамлар ҳайрон қолишиб, яқа ушлашиб:

— Масков қайдаю Алдашмон қайда! Сулаймонкул қайдаю Исталин қайда? — дея мулло Худойкулни саволга кумиб ташлашади. Мулло Худойкул ҳам ёлғонни ростдай, ростни худо ургандай қилиб жавоб берган бўлади:

— Билмайсизларми, давлатнинг минг бир қулоғи борлигини? Ҳозир булажатқан гапларимиз ҳам соат утмай ҳукуматнинг қулоғига жетиб боради.

Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин, дейди деганлари рост экан. Мулло Худойкулнинг менинг ҳақимдаги гапи туманга етиб бориб, орадан икки-уч кун утар-ўтмас мулло Худойкулнинг узларини ҳам аёғини ерга тегизмай бир кечада олиб кетибдилар.

Бешикли бола — бек бола. Туракул бешикда беклик қилиб ётибди. Тўрт томони қибла. Бешик — тож-тахти. Тувак — давлати. Сумаги — сиёсат — салтанати. Каттаю кичикнинг оғзида Туракул:

— Ёпирай, бу бола ҳозирдан бошлаб Исталиннинг назарига тушган булса! Катта бўлса бир бало булса кераг-он!

Айниқса, ғирт содда катта бобом (энамнинг отаси) Нурмат полвон ҳалиги тўқима гапга чиппа-чин ишониб дер эканлар:

— Сиртлон (гидик)нинг туғилган куни бури зоти типирчилаб қолар экан. Бизнинг жовимиз — қушандамиз туғилди деб. Сунг шу кундан бошлаб уша гидикни улдиришнинг пайига тушар экан. Эгаси сиртлон — гидикни авайлаб, куз-қулоқ булиб турмаса, ўлдириб ҳам кетар экан. Шу шекилли, Туракулнинг бир хислат, бир фазилати булмаса, Исталиндай одамга қаёқдан маълум була қолади?! Мана, курасизлар, Туракулжон катта

бўлса, ё Исталинни жигитади, ё Исталиннинг жанида (ёнида, демокчи) турадиган давлат одами булади. Худо хоҳласа!

Кўрган кунларимиз, кечирган тунларимиз эса харобдан-хароб. Ота қамоқда. Уйда ҳукизнинг шохига илинарли нарсанинг ўзи йўқ. На егулик бор, на кийгулик. Энам шўрлик биз етимчаларни чирқиратиб қўймаслик учун кимнинг кигизини билаклаб, кимнинг урчиғини игириб, кимнинг нўхат ё кунжутини утаб, қора қозонни қайнатиш илинжида қилмаган иши қолмайди ҳисоб. Бизга нисбатан қулнинг кун, тулнинг тирикчилиги — шохона. Биз учун осмон — йироқ, ер — қаттиқ.

Ҳаш-паш дегунча орадан йиллар утиб, Турақул болалар қатори, аввал той-той бўлади. Сунг эса расмона юра бошлаб, томоқ илинжида, қорин қайғусида Ғайбулла укачасини «шатакка олиб» уйма-уй кеза бошлайди. Тиланчилик қилиб, деса ҳам булади. Худодан хабари борлар тайпоқ тол товоққа бир пиёла сут қўйиб, қотган-қуйган нон беради. Укачаси билан паққос тушириб, «салб юришларини» давом эттиради. Қай бировлар эса қулоқнинг боласи, деб қувиб солади.

Давлат «назоратида» бўлатуриб, «давлат одами» санала туриб, кишининг тутуни қуюқроқ чиққан уйларга бориб юриши қизиқ булар экан...

Барибир, бу давлат одами, бу давлат назоратидаги бола, деган «мартаба» — мақом менинг кетимдан яқин йилларгача соядай эргашиб келар эди.

Энди Турақулнинг ақл тиши чиқмай туриб курсатган кароматларига чек қўйиб, асосий буладиган гапларга утсак. Энамнинг айтишларига қараганда, биз ва биз сингари гуноҳсиздан — гуноҳсиз кишиларнинг хонумонини барбод этиб, ёстиқларини қуритган «совет жонкуярлари» уруғ-аймоғи йўқ бўлиб, биронта зурриёди ҳам қолмабди. Бизга ухшаб азият чекканлар эса, бари бир, бора-бора узларини унглаб олишиб, униб-ўсиб, эл қаторига қўшилиб кетишибди. Шунини айтадилар-да, нони бутуннинг нонини ҳеч ким ярим; нони яримнинг нонини ҳеч ким бутун қилолмайди, деб.

Энди Мирзачулга — Чўли Маликка қандай келиб қолганимизни қисқагина қилиб айтиб ўтмасак булмас. Мен туғилган қишлоқ — ҳозирги Бахмал туманининг Бахмал даҳасига қарашли, узоқ тоғ бағрида жойлашган Алдашмон қишлоғи 1933 йил-

дан бошлаб аввал Артель, сунг «Уртоқ», кейин «Ширкат» номлари билан аталиб, алалоқибат жамоа хужалигига айлантирилди. Отам турмадан чиқиб келган кунлари хужаликнинг умумий мажлиси бўлиб, хужаликка, бизнинг бошимизга не бир кунларни солган Суюндиқ Кувондиқов дегани раис бўлиб сайланди. Мажлис бу қишлоқдан кучиб-қочиб қутулган Кузибой тоғамнинг ҳовлисида бўлди. Уйи хужалик идораси. Мажлисга туман марказидан келган ғалифе шимли, кителли; коломонко шапкали бир-икки киши қатнашди. Мажлис авжига чиққанда уша келган катталардан бири:

— Уртоқлар, ҳозир сизларнинг урталарингизда совет ҳукуматиға қарши курашган бир туда каллакесар йигитларни атрофига туплаб, курашган, босмачиларнинг бошлиғи Саййидазим Нур-



Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими адабий маслаҳатчиси Тура Сулаймон ижодининг энг гуллаган палласи. 1987 йил.

матов билан, тескари ташвиқотчи Сулаймон Сарбаланд мулло Бойбек уғли ва бошқа ёт унсурларнинг қариндош-уруғлари утирибди. Мажлисида иштирок этаётган колхозчи уртоқларнинг тақлифига кура, улар бу мажлисдан чиқиб кетишлари керак, — дейиши билан мажлис мотамга айланди... Сунг қариндошларимизнинг ҳаммаси изиллаб, йиғлаб мажлисдан чиқиб кетдилар. Энди бизлар учун ернинг устидан ернинг теги афзал бўлиб қолган эди. Уз киндик қонимиз тукилган тупроқ узимизга бегона бўлди. Энди куч-кучга тушишдан бошқа чораси қолмаган эди. Бир кечаси биз ҳам кучдик. Юкимиз бир эшакка юк буларлик эди. Ёш бўлгани учун Файбулла укамни эшакка миндириб, қолганларимиз уришиб-суришиб Моргузардан ошиб, тонг чоғи Аччи қишлоғига келиб, бир кишининг уйида озгина тамадди қилиб, яна йулга тушдик. Кун ботар-ботмас Жиззах туманига қарашли, ҳозирги Бустон шаҳрининг қибла томонидаги Қирқсадок қишлоғига кундик. Ота-боболаримизнинг қишлоқ юрти. Ҳозир ҳам бу ерни Ёйилма, дейдилар. Жиззахнинг кунчиқар томони. Бу — 1937 йилги гап. Худо бизни бу ерда ҳам кўп курди. Сифмадик. Иккиннинг биридан, кучманчи, мусофир, деган гапларни эшитар эдик. Ниҳоят, бизни бу ердан кучирма хужалик ниқоби остида Мирзачулга сургун қилдилар. У ерда бизга, борган ерларингизда тайёр уй-жой, бир соғин сигир билан таъминлайдилар, деган эди. Бизни аравада Жиззах станциясига олиб келдилар. Станция кишига рузи маҳшарни эслатар эди. Одам деганингиз тумонат, қийчув. Биров йиғлаган, биров сиқтаган. Кучувчилар поездга чиқарилди. Биз ҳам чиқдик. Станцияма-станция, разъездма-разъезд тухтай-тухтай уч кун деганда Велико-Алексеевский (ҳозирги Бахт) станциясига келдик. Ҳаммани шу ерда туширдилар. Қатор-қатор мажор аравалар кучманчиларнинг куч-куронларини ортиб, хужатикларга, ҳозирги Сирдарё туманидаги «Малик» давлат хужалигининг биринчи бўлимига тушган экан. Ярим кечада қоп-қора қунғайган нарсанинг олдида келиб туширди. Ана-мана дегунча тонг отди. Ҳалиги айтилган уйдан, соғин сигирдан дарак йўқ. Ҳалиги қора нарса қамишдан тўқилган қапа — чайла экан. Қапа бўлганда ҳам қатор, раста-раста капалар. Яна йиғи-сиғи. Бу ерга келганлар бир-бирларини танишмайди. Булар орасида «давлат одами» ҳам бор эди. Қаранг, «давлат одами»ни алдаб утиришибди-я! Бу қандай бедодлик? Шу йусин «давлат одами» «Малик»да

уқиди, улғайди, уриниб-суриниб одам сонига қушилди. Албатта, бу ёғи ҳам сип-силлиқ, теп-текис кечган эмас. Ерлари пешанамиздай шур. Суви, ҳавоси ҳақида гапирмаса ҳам булади. Туқай ботқоқлик. Кундузи чивин, кечалари пашша. Бунинг устига, узимники озмиди, туйнукдан тушди бир жужа, дегандай узимни унглаб олмай туриб иккинчи жаҳон уруши бошланди. Ана энди йиғламоқни мазор бошида кур. Қозони бошқанинг қайғуси бошқа. Қайғу ҳам, ғам ҳам кундан-кун болалагандан болалай борди. Эркак зоти урушга сафарбар қилинди. Купнинг кунни хотин-қизлар билан «Давлат одами» сингари «расмий» кишиларга қолди...

«Давлат одами»нинг уқишлари, ишлари; йилма-йил «кутарилишлари»; кунлардан бир кун «юқумли касал»га йулиқишлари — шойирчилик касбига мубтало бўлишлари; китоб устига китоб чиқаришлари, қатор-қатор унвонларнинг орқасидан қувиб юриб, бунга ҳам эришишлари; энди анов-манов кишилар билан от устида туриб гаплашишлари ҳақида ёзиш, бу — муҳтарам алабиётшунос ҳамда одамшуносларнинг бурчи.

«Давлат одами»нинг эса бундай оддий ишлар билан шуғулланишга вақти қайда. Унинг асосий вазифаси — сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ишлар билан шуғулланиш.

Эллик саккизинчи йилда «Мунтум» журнали энг яхши ҳажвий ва сатирик асарлар учун танлов эълон қилди. «Отдан қолма...» дегандай, мен ҳам танловга «Оқпадар» деган шеърим билан қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасидан (камтарликни қаранг) жой олдим. Шунда ичимда «буладиган бола, бошидан маълум, деганлари рост буладиган булса, кейинчалик бир бало бўлсам кераг-ов», деб қуйиб эдим. Анча вақтгача анов-манов деганларга гап бермай юрганлигим ҳам рост. Кейинчалик бу шеър Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Нарзулло Ёқубов томонидан ижро этилиб, оммалашиб кетди. Энди унча-мунча одамни писанд қилмай қуйдим. Бу ёғини айтсам, мақтангандай буламан...

Орадан қарийб қирқ йил ўтгач... Ҳали юқорида «буладиган бола» деган гапим уз йулига. Баъзи кишилар ёши бир жойга бориб қолганда очилади, деган гап менга қарата айтилганга ухшайди. Ё қудратингдан! Булмасам, бир саҳройи одам академик Бурибой Аҳмедов билан ёнма-ён туриб Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг мукофотини олармиди! Бир усиш булса, шунчалик булади-да!



Тура Сулаймон Гулистон давлат университети профессори эди. Университетдаги шоир билан буладиган ҳар бир учрашун катта бир дарсга айланиб кетарди.

Шу уринда аррани тенг, тарозини тугри тортганлари учун Хакам ҳайъатига саҳройича самимий саломларим, Мирзайи Азимдай куламсиз миннатдорчиликларим!

Энг қизиғи, ҳозирда Тожикистон Республикасида хизмат курсатган артист Қодир Мираншуров айтаётган «Сарвинноз» ашуласи ҳам танловда ғолиб деб топилган «Ёвқочди»дан. Бу ашула ёшу кекса томонидан яхши кутиб олинди. Маънавий мулкимизга айланди... Биз томонларга бориб, ҳозирги обруйим-ни бир курсангиз эди! Э-ҳа! Бировлар тун кийгизган, бировлар совға-салом келтиришган. Биласиз, қуллуқ булсиннинг узи булмайди. Бой булиб кетиш хавфим ҳам йуқ эмас. Куй етаклаб келаётганларнинг, қул узатаётганларнинг саноғи йуқ. Бир кучада чанг ютиб, чангга ботиб, тепишиб катта булган жон аямас жураларим, қачон юнамиз, деб тиқилинч қилгани-қилган. Буни «ювиш»ни ҳозирча пайсалга солиб турибман. Аввал мукофотни, унинг шаҳодатномасини олиб олай, кейин бир гап булар, деб. Энг қизиғи, қариялар: «Турақул давлат мукофотини олибди.

Энди у давлат одами бўлиб кетади!» деб юришибди. Бу менга ҳам ёқиб тушаяпти. Иш шу йўсинда кетадиган бўлса... Бойлиги ошиб-тошиб кетган бир тижоратчи оғайнимиз, шундай обрў-эътиборга эришган одамнинг пиёда юриши бизларга эриш туғйилаяпти, деб қолди. Унинг нима ниятда айтганини мен дарҳол тушуна қолдим. Бундай гапнинг маънисини мен тугул, ҳар қандай гул ҳам дарҳол илғаб олиши турган гап. Ҳали ким билади, Худо берса шу мукофотнинг шарофати билан «отлиқ» бўлиб қолишимиз (булутдай, сутдай «ГАЗ-31» кўзда тутилмоқда) ҳам мумкин. Ўзи бир берса, бераверади. Бир келса, келаверади. Умуман, одам, бир-икки мукофот олганидан сўнг яна мукофот устига мукофот берилиб туришига умид боғлаб қоларкан, худди ҳар куни ем берилиб турилган арғумоққа бирдан ем берилмай қолганидай...

Шу кечаю кундузларда тушимга Нобель мукофоти куп кирадиган бўлиб қолди. Биласиз, шайтоний тушга мукофот кирамайди. Мукофотга ўхшаш кишига обрў келтирадиган тушлар фақат раҳмоний бўлади. Ана шунақа гаплар. Алалхусус, эндиги навбат ҳозиргина айтганимдай...

*Тура Сулаймон,
2004 йил*

ХАЛҚ ШОИРИ

Немис файласуфи Эммануэл Кант «Гузаллик ва юксаклик туйғуларининг ўзаро муносабати» асарида аёллар ва эркеклар ўртасидаги инсоний муносабатларни юксаклик ва гузаллик тушунчалари орқали изоҳлаб беради. Қадимдан аёллар гузаллик, нафислик, заифлик, назокатлилиқ, иболилик, эркеклар эса улуғворлик, юксаклик, мардлик, адолатлилиқ, қаттиққўллилик рамзи ҳисобланганлар. Ҳаётда, умуман, борлиқда гузаллик билан юксаклик доимо бирга юради, бир-бирисиз яшай олмайди. Аёл ва эркек ўртасидаги самимий, беғараз дўстлик туфайли аёллар эркекларда дадиллик, нозиклик, гузаллик туйғусини, эркеклар аёлларда эса матонатлилиқ, сабрлилиқ, чидамлилиқ, улуғворлик, юксаклик туйғусини вужудга келтирадилар. Аёлларда фаросат, ҳаё, сирлилиқ, жозиба-

лилик хусусиятлари буладики, улар назокат, малоҳат, лато-
фат, иффат каби тушунчаларда кенгроқ ифодаланади.

Биз бу қиёсни беҳуда келтирмадик. Хусусан, аёллар бора-
сидаги гузал қиёслар Тура Сулаймон шеъриятининг мағз-мағ-
зини ташкил қилади.

Бахшиёна услубда шеър ёзиб, халқ меҳрига сазовор булган,
Сирдарёдек жушқин, эҳтиросли, уқишли асарлари билан та-
нилган шоир Тура Сулаймон агар ҳаёт булганда 73 баҳорни
қаршилар эди. Шоир ўзи туғилган Бахмал юртидай қуркам,
Бахмал тоғларидай мусаффо, виқорли шеърлари билан кунгил-
ларни забт этади.

Тура Сулаймон аёллар куйчисидир. Чунки шоирнинг хоҳ-
лаган тупламини очиб курсангиз, шеърларининг 60–70 фоизи
фақат аёллар ҳақида. Шоирнинг биринчи туплами 1962 йилда
«Истар кунгил» номи билан босилди. Тупламга кирган 22 та
шеърнинг 10 тасида аёллар фазилати-ю хислатлари тарафнам
этилган. «Бир сўз қотди-да кетди», «Ургилай», «Қушиқчи қиз-
га», «Синасанг ишда сина», «Тоғ қизлари», «Ёрга айтар сўзим
бор», «Юрагимнинг турида» каби шеърларида аёлларнинг сеҳ-
ри, зариф латофати-ю нафосати ёниб-тошиб куйланади:

Ойдай юзи кўзларимга кузгу бўлиб кўринди,
Малоҳатга бой қизлари эзгу булиб кўринди.

Шоирнинг аёллардаги гузаллик, нафислик ва эзгуликни
кура олиш, илғай олиш қобилияти ҳайратланарли. У аёллар-
нинг сирлилигини сирлигича кура олади, шеърга солади ва
шеърхонни ҳайратлантиради.]

Шоирни безовта қилган, қулига қалам тутқазган фақат аёл-
ларгина эмас, гузал табиат, виқорли тоғлар, қулида думбира-
си билан бутун чулу даштни уйғотиб ўтган бахшилар, дoston-
чилардан қолган мерос, қадриятлар, умуман, бой маънавият-
га эга халқимиз ижоди, буюк Турон улуси, унинг утмиши,
ҳозир ва келажакдир.

Шеър — кунгил мулки. Шеър — юракнинг, қалбнинг фар-
занди. Тура Сулаймон халқ термаларини, dostonларини, халқ
оғзаки ижодини яхши биладиган ва уларни давом эттирган
бахши шоир. Шунинг учун булса керак, уни Сирдарёгина эмас,

бутун Турон юртида халқ шоири деб эъзозлашади. Чунки у халқ дилидаги гапни нозик ҳис қила олиш қобилиятига эга, чулда яшаб дарсликларга кирган ягона шоир.

Бағри бутун бардошлининг,
Эл, улус, тоғу тошлининг,
Кўнглин ол кўзи ёшлининг,
Яхши ёрондин айрилмас.

* * *

Мардлар мудом бирдай бўлиб,
Теранликда Сирдай бўлиб,
Кўнгли ёз, баҳордай бўлиб,
Ҳаргиз имондин айрилмас.

Бу каби яссавиёна шеърий парчада жуда катта фалсафий маъно ва мантиқ бор. Шоир «яхши ёрондин айрилмас», «ҳаргиз имондин айрилмас», деб инсоннинг баркамол ва комил бўлишини истайди ва унинг бу фикрлари миллий дастурдаги вазифаларга жуда ҳамоҳангдай жаранглайди. Чунки, Президентимиз асарларида, нутқларида ёшларни миллий ғурурли, маънавияти кенг, қалби тоза, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш кераклиги қайта-қайта айтилмоқда. Демак, шоир бутунги қийинчиликлар уткинчи эканлигини шеърий сатрларда ишонarli қилиб ифодалаган, Ўзбекистоннинг мустақиллигини улуғлаган. Айримларнинг кунгилларига муҳаббат, юрак, дил, қалб тушунчаларини ейиш, ичиш тушунчаларига алмаштириб, фақат қорин ғамини биринчи уринга олиб чиқаётган бир пайтда Тура Сулаймон: «ғафлат уйқусига берилманг, бу оғирчиликлар уткинчи» дегандай булади. У «Думбирам» шеърида:

Қадимий маърифат ўчоғидаман,
Мезбонлар йўқлови, сўроғидаман.
Тоғонлар бахшининг саноғидаман, —

деган эди. Ҳақиқатан ҳам шоир юрти, умуман, Турон қадимдан маърифат, маънавият, маданият ўчоғи бўлган. Маърифатлилик эса ҳамма замонларда ҳам яхшилик, туқчилик, тараққиёт омили саналган.

Ажаб бир созим бор, ўзгача саси,
Хаводай ҳаётбахш билсанг, нафаси.
Элга эшлитимнинг сабаби шундан,
Шундай, шодлигимнинг йўқ ниҳояси.

Ҳа, Тура Сулаймоннинг сози ўзгача. У бошқа южодкорлардан битикларининг халқчиллиги, дилга яқинлиги, соддалиги билан ажралиб туради. Шунинг учун булса керак, шеърларининг аксарияти ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб айтилади, ҳар куни радио, телевидениеда қўшиқлари янграйди.

Шоир ҳозиргача «Илтижо» (1971), «Алҳазар» (1976), «Сизни эслайман» (1980), «Гулшан» (1988), «Сарвиноз» (1989) каби йигирмадан ортиқ тўплам эълон қилди. «Ёвқочди», «Қораялоқ», «Сарвиноз», «Мангулик» каби унга яқин достонлари, «Харсанг» (1994) эртак-достонлари ҳам эълон қилинган. Озарбайжон шоири Муҳаммад Ҳоди ғазалларини узбекчага угирган.

Шу ўринда Тура Сулаймон тили ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Насрда А.Қаҳҳор сўзга «хасис» булган булса, поэзияда Тура Сулаймон. У ҳар бир сўзни жонли одамдай ҳурматлайди, унинг обрусини тукмасликка, сақлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг шеърлари ширали, мазали, ўқисангиз роҳат қиласиз.

Тура Сулаймон ҳаётни теран мушоҳада қилади. «Илтижо» шеърида ёзади:

Улмасликка ишора — ўланга ошиқлигим,
Саодатга ишора — замонга ошиқлигим,
Теранликка ишора — уммонга ошиқлигим,
Ўзалликка ишора — бўстонга ошиқлигим,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Инсон ҳаётини купинча баҳорга қиёслайдилар. Баҳор уткинчи, вақтинча уни мазмунли, мақсадли утказиш лозим. Ҳаётининг мазмунли утиши ҳар бир шахсни узига, салоҳиятига, ақл-заковатига боғлиқ.

Тура Сулаймон — катта ниятли шоир. У бахт, севги-муҳаббат, истиқбол, умуман, инсонпарварлик туғрисида, жамиятни тозартириш, инсонлар маънавиятини ўстириш ҳақида улмас сатрлар яратди. «Гул бир ён, чаман бир ён», «Сен ҳам ёлғиз»,

«Тебратар», «Асрагай», «Айланди» каби шеърларининг ҳар бири шоир учун ҳайкал янглиғ ҳурмат-эътибор келтирган ва китобхон қалбида бир умрга муҳрланиб қолган сара шеърлардир.

Тақа туёқни асрагай,
Туёқ тулпорни асрагай.
Тулпор Темурни асрагай,
Темур Туронни асрагай.
Турон Куръонни асрагай,
Куръон имонни асрагай.
Имон инсонни асрагай,
Инсон оламни асрагай,
Оламни Оллоҳ асрагай.

Куриниб турибдики, халқни, она-заминни эҳтиётлаш, куз қорачиғидай сақлаш инсониятнинг бурчи эканлигини шоир яхши билади. «Асрагай» шеърида у уз орзу-ниятини жуда содда йул билан тушунтиради. Демак, мустақилликни, бутун руйи заминни асраш керак! Дунёда тинчликни, болаларни, аёлларни, оналарни, табиатни, гузалликни асраш — ҳар бир инсоннинг бурчи. Шу боис «Асрагай» фалсафий расулони шеърдир.

Умуман олганда, шоирнинг ижоди халқчил, унинг ҳар қандай юракни жунбишга келтирадиган, эрита оладиган, уйлашга, мушоҳада юритишга мажбур қиладиган, гузалликни тушунишга, борлиқни ҳис-ҳаяжон билан қабул қилишни ургатадиган шеърлари талайгина. Шоирнинг қаламга олган мавзулари ранг-баранг: Она, она-табиат, халқ — етакчи мавзулардир.

Тура Сулаймон ута камтар, камсуқум инсон, нутқ сузлашга, йиғинларда, туйларда шеър уқишни унча хуш кўрмас эди. Унинг шеърларини қанча куп уқисангиз, шунча куп фалсафий маъно келиб чиқаверади. Шунинг учун ҳам у халқ меҳрига сазовор бўлган, том маънодаги халқ шоиридир. Камсуқум шоирнинг тилаги ҳам оддийгина:

Она, бу — осмон дегани,
Оламга посбон дегани.
Офтобга дўстман дегани,
Она бўл, қизим, она бўл.

Бизнинг Тура Сулаймон шундай оддий, курган одам узи айтганидек, «уни шоир демайди».

Оддийлик, соддалик, камсуқумлик — инсоннинг юксак фазилатлари. Бу олижаноб фазилатлар Тура Сулаймон шеърларида акс этган. Унга бу каби фазилатлар ота-онасидан, қариндош-уруғидан, халқидан юққан. Оддий инсон боласи қандай қилиб бу даражадаги улуғ одамга, халқ шоири деган унвонларга эга бўлиб қолди? Бу фавқулодда ҳодиса эмас, балки инсоннинг онгига, ақл-заковатига боғлиқлигини Тура Сулаймон мисолида куриш мумкин. Демак, интилош, билим, меҳнат инсонни инсон қилиб тарбиялайди, шакллантиради. Шоирнинг қариндош-уруғида амалдор бўлмаган, лекин саводли боболари Бедилни, Машрабни, «Алпомиш», «Равшан», «Авазхон», «Кунтутмиш» каби халқ достонларини, Қуръонни, Ҳадисларни ёддан билишган.

Тура Сулаймон ҳаётда нимага, қандай унвону мартабага, халқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган бўлса, уз ҳалол меҳнати, ақл-заковати билан эришган. Демак, инсонни меҳнат ардоқлайди. «Адаб — ақл ва имоннинг чироғи, обрў-эътиборининг сармоясидир». «Инсоннинг энг зур ёрдамчиси узининг ақлидир», деган ҳикматда жуда катта фалсафий маъно бор.

ЮРАК ЭҲТИЁЖИ

(Шоир билан суҳбат)

— Тура ака, Сизни бутун Туркистон аҳли ажойиб шеърларингиз орқали яхши билади. Лекин қаернинг фарзанди эканлигингизни ҳамма бирдек билавермайди?

— Сизни купчилик яхши билса-да, лекин қасрда туғилганлигингизни ҳамма бирдек билавермайди, деб берган саволингиз менга маъқулдай куринади. Сабаб, Туркистон жуда катта ўлка, «қаернинг фарзанди» деган жумла ҳам... Ўзбек халқининг содиқ фарзанди деб, менимча, машҳур, атоқли кишиларга нисбатан айтилади. Энди жавобга утаман: мен 1934 йили Жиззах вилоятидаги Бахмал туманининг «Бахмал» хужалигига қарашли Алдашмон қишлоғида туғилганман.

Туғилишга туғилганману, бироқ туғилишим уйдагиларга малол келгани аниқ. Уша мен туғилган йили отам кулоқ қили-

ниб, булар-булмас мулкимиз мусодара қилинган. Фақат устимиздаги кийим-кечагимиз билан қола берганмиз. Хуллас, бехосият йили туғилганман. Курган қийинчиликларимизни энам шўрлик айта берса... Бу ҳақда «Ота юртим» деган мақола-эсдаликларимда батафсилроқ тўхталганман.

— *Сизнинг қатор шеърларингиз бахшиёна услубда ёзилган. Адабиётшунослар ҳам Сизни бахши-шоир дейишади. Бунинг сабаби нимада?*

— Сабабини ўзингиз айтиб қўйдингиз-ку. Аниқроқ жавоб берадиган бўлсам, менимча, ёзганларим соф бахшиёна булиб бахшиёна эмас, ёзма булиб ёзма эмас, ҳозирги давр шеърятдан ҳам сал нари туради. Уртадаги сарсон бир нарса. Кейин адабиётшуносларингиз ижодкорларни булиб, тақсимлаб олишган. Биридан олиб, бирига солиб ётишади. Мен биронта «шунос» билан «бор товоғим — кел товоғим» қилиша олмадим, олмайман ҳам. Менда на амал бор, на тамал. Мен нима учун бундай демоқдаман? Сиз ҳам кузатган булсангиз керак, ким (қайси ижодкор) отга мингудай бўлди дегунча, «шунос»лар от қўйиб ёпирилиб, уша ҳамкасбимизни кукка кутаришга киришиб кетади, азаматлар. Уялмай-нетмай...

— *Илк шеър, илк тўпلامнинг илк бор матбуотда чиқиши киши хотирасидан ҳеч қачон кутарилмайди. Булар ҳақида тўлароқ гапириб берсангиз.*

— Илк машқларимни кутарасига ташлаб юборганман. Сийқа, саёз, «ура-ура»боп бўлгани учун, туғрироғи, улар шайтоний эди.

— *Сизни Миртемир домланинг шогирди дейишади...*

— Миртемир аканинг шогирдиман, дейиш учун у киши қилган ишларнинг юздан бирини қилиш керак бўлади. Шогирд даражасига ета олмадим. Лекин ота-бола сингари, ҳатто ундан ҳам зиёда кўнглимиз яқин эди.

— *Ҳозиргача нечта тўпلامингиз нашр этилган?*

— Бу саволингизга ижодкорнинг ижодкорлиги унинг қанча китоби босилиб чиққанида эмас, деб жавоб берган булар эдим.

— *Мулоқотларимизнинг бирида «биз одамнинг ярми ҳам эмасмиз», деган эдингиз. Бу гапингиздан ҳам Сизни жуда камсуқум, ута камтарлигингизни ҳамма билади. Юқоридаги гапингизнинг бирон сабаби борми?*

— Чунки биз тенгилар одамзодни меҳнат яратди, инсон маймундан пайдо булган, деб таълим олганмиз ва бунга ишониб келганмиз. Халқимизда фалончи бутун йигит ё палончи бутун одам деган ибора бор. Бу — мукаммал одам дегани. Бошқаларни билмадим. Мен узимни мукаммал, бутун одам дея олмайман. Сабаби — биз шамол қайси томондан турса, шу томонга қараб кетамиз. Кишининг амалига, қулидан иш келиш-келмаслигига қараб муомала қиламиз. Ёмон куриб юрган одамимиз отга мингудай булса, жиловдорлик қиламиз. Ҳар қандай хизматини бажаришдан ор этмаймиз. Қуйинг-чи, бутун одам булиш учун кишининг имони бутун, эътиқоди мустаҳкам булиши керак.

— *Қайси ижодкор билан яқин алоқадасиз?*

— Бунинг аҳамияти йуқ.

— *Сиз «Сирдарё ҳақиқати» газетаси қошидаги «Ёш ижодкорлар» тугарагини узок йиллар бошқардингиз. Вилоятимизда иқтидорли ижодкорлар борми?*

— Бор булганда қандоқ. Ҳар боғнинг уз булбули, ҳар чаманнинг уз гули булганидек.

— *Ғалпимиз айланиб ижодга тақалди. Ижоднинг узи нима? Шеър нима учун ёзилади? Мумкин булса, ижодхонангиз билан кенгроқ таништирсангиз.*

— Бировлар бор шеър ёзади, ариза ёзган мисоли. Ишхонада ҳам ёзган одамларни курганман, ошхонада ҳам. Бировларда шеър туғилади, дунёга келади. Масалан, Абдулла Орипов шеърни ёзмайди, ҳалигидагиларга ухшаб, бизга ухшаб... Уларда шеър пайдо булади.

— *Сизнинг шеърларингиз жуда содда, халқ тилидадир. Айрим шеърлар жуда жимжимадор, тушуниш қийин. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида қандай шеърлар зарурроқ деб ўйлайсиз? Бозор иқтисодиёти туфайлими, ёшлар, умуман, кишилар китоб, шеър ўқимай қуйишди. Бу ҳолдан чиқиш йўлларини нималарда, деб биласиз?*

— Баъзан шундай булади. Ниманидир йўқотиб, уни тополмай кунглинг ёришмай юрасан киши. Шундай кезларда бирон-бир асар қулингизга тушиб қолади. Уша тополмай юрган нарсангизни топгандай буласиз. Кунглингиз ойдинлашади. Бу — туғма, қуйма асарнинг кучи, шарофати. Уқиганда ҳам, туқиганда ҳам



Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, истеъдодли шоир Рустам Мусурмон устоз туинга Гулистонга келдилар. 2000 йил, 28 ноябрь.

жимжималор, дедингиз. Баъзи бир қизлар бор усма-сурмасиз ҳам кишининг ақл-ҳушини олиб қуюди. Куча хотинлари эса фақат пардоз-андоз билан тирик. Юзларига роса чаплайдилар. Асл ҳолида курғудай булсангиз... Бу ҳам худди шундай гап.

— Айниқса, ёшларда илмга меҳр камайгандай, айримларда эса виждон, имон, диёнат деган инсоний тушунчалар...

— Биргина уқимай қуйиш эмас. Бозори касолга учраган бебахт ижодкорлар ёзмай, газета-журналлар бундайларнинг шеърини босмай қуйишди. Ута суллоҳ, ута безбетлари ҳали-ҳамон майдондан чиқиб кетишмаяпти. Ҳамма замонларда бундай курғулик булган.

— Шеърларингизда мунг, руҳий ёлғизлик устувордай туюлади менга?

— Шундай.

— Ҳозир, эндигина адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларга тилакларингиз қандай?

— Бишарга ухшамасликларини истар эдим.

— *Ғиёс Бойтоев, Абдурауф Олимов, Охунжон Мадалиев каби хофизлар халқ муҳаббатига сазовор бўлишида сизнинг шеърларингизнинг хизмати беқиёс. Сиз қўшиқчилар билан ҳамкорлик қиласизми?*

— Йўқ, улар туфайли мен сал танилгандай бўлдим.

— *Ҳали Туркистон тарихида Сизнинг «Гул бир ён, чаман бир ён» шеърингизчалик кўп муҳокама бўлган шеър бўлмаса керак. Бу шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз. Лекин бу шеърга «Синглим Коммунанинг шеъри» деб ёзиб қўйгансиз?*

— Бу саволга шоира Ҳаётхон Ортиқбоева радио орқали жавоб берганлар. Лекин «Туркистон тарихида» деган гапингизни қайтариб олинг. Истиффор келтиринг.

— *Адабиётшунос Умрзоқ Улжабоев «бутун умримиз хато қилиш ва хатолардан уқинишдан иборат бўлмоқда» деган эди. Сизда ҳам шундай хатоликлар, уқинчлар бўлганми?*

— Хато қилмаган, уқинмаган, қайғуга шерик бўлмаган, ташвишсиз яшаган одам-одамми? Қуръони Каримнинг «Аср» сурасидаги «Иннал инсона лафихусрин» ояти бу саволга туқис жавоб берган. Яъни инсон мудом ташвиш билан яшар экан.

— *Умуман, оила масаласига қандай қарайсиз? Халқ ичида юриб «турмуш ташвишларини кўп кўрган табаррук» инсон сифатида ёш оила қураётганларга қандай тилаклар билдирасиз?*

— Умуман, ёшларга маслаҳат бериб бўлмайди, ақл ургатиб ҳам. Бу уша маймундан тарқалганлик самарасимасмикан? Кучаларда чапиллатиб живачка чайнаб юриш, сочни қирқиш қизларда оммавий тусга кирди. Яхшиликка куринсин...

— *Тура ака, мана 60 ёшга кирдингиз. Сизнинг ҳаётий фалсафангиз? Сизнингча нима боқий қолади-ю, нима уткинчи?*

— Бу Сиз утирган, биз тушган кемага боғлиқ. Дарё бошининг лойқа ёки тиниқлиги билан боғлиқ нарсалар.

1994 йил

АКАДЕМИК

«Академик — фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Бирор академиянинг аъзолигига сайланган олим, шоир, адиб, рассом, ҳайкалтарош кабиларнинг унвони. Академик театр —

энг яхши, намуна, урнак буладиган, давлат театрларига бериладиган фахрий ном. Академия — илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган олий, илмий муассасадир», деб ёзилган «Ўзбек тилининг изохли лугати»да.

Ҳарбийларда энг катта унвон — генерал. Олимлардаги энг катта унвон эса академикликдир. Академикликка етишиш учун жуда қийин, огир меҳнат йулини босиб ўтиш лозим. Академик фаннинг ёки фанларнинг айрим соҳалари бўйича ўзига хос мактаб яратган, кашфиётлар қилган, унлаб дарслик, қўлланмалар чоп эттирган, мақолалар ёзган, шогирдлар тайёрлаган олимга берилади. Академик ўз соҳасида энг пешқадам, номи бутун қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлиши, яратган кашфиётларни инсонлар ҳаётида, жамиятда қўлланилаётган, фойдаси тегаяётган олимга нисбатан айтилади. Ҳар бир олимнинг, у каттами-кичикми, орзуси — академикликка етишишдир.



Тура Сулаймон Гулистон Давлат университетида «Ёш ижодкорлар» мактабини бошқармоқда. Шогирдлари — шоирлар Бахтиёр Ватан ҳамда Ҳасан Абдувоҳидов, 2000 йил, 13 март.

Академик фан соҳасининг ўзи билангина шуғулланиб қолмай, жамиятдаги оғриқ нуқталар ҳақида, маълум ютуқ ва камчиликларни олимга хос мушоҳада билан таҳлил қилиб бера олиши лозим. Академикка булардан ташқари жуда кўп вазифалар ҳам қўйилади.

Тура Сулаймон Баҳмалда туғилиб, Мирзачўлда униб-ўсган шоир. Лекин у бошқа халқ шоирларидан фарқ қилади. Нимаси билан? Чиройи биланми? Эни, бўйининг баландлиги, семизлиги биланми? Мен бир шеър мухлиси, адабиётшунос, файласуф сифатида уни академик шоир деб атайман. Бундай дейишимга асос бор.

Академиклик Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганидан кейин Ойбек, Ҳамид Олимжон, Фафур Фуломларга берилган. Бу — ижодкорларнинг илм-фанга, адабиётга қўшган ҳиссаларининг мукофоти эди. Бу шоир, ёзувчилар адабиётнинг бирор жанрига тўлиқ боғланиб қолмаган ҳақиқий маънодаги академиклар эди.

Хўш, академик Тўра Сулаймон ким? Нега халқ Тўра Сулаймонни академик шоир, деб атайди. Бунинг сабаби нимада? Сабаби оддий — у нафақат шоир, ёзувчи, публицист, ершунос, тилшунос, у — биолог, муסיқашунос, пахтакор, деҳқон, бугдой навини яхши биладиган кашфиётчи; халқ дардини, дилидаги гапини қоғозга тушира оладиган ижодкор. Дардга дармон бўлиш — катта бахт. Тўра Сулаймон шеърлари, мақолалари халқ дардига малҳам бўлмоқда. Шунинг учун уни академик, яъни ҳамма нарсани биладиган, идрок қила оладиган, маслаҳат, йўл-йуриқ кўрсата оладиган инсон, олим, мутафаккир сифатида академик шоир деса бўлади, деб уйлайман.

ИСТЕЪДОД

Тўра Сулаймоннинг 21 та шеър, дostonлари жамланган тўпламлари нашр этилган. Шоир ўн мингдан ортиқ шеърлар ёзган. Минглаб шеърлари қўшиқ қилиб куйланмоқда. Лекин у қўшиқчи шоир эмас, Миртемир домланинг севимли шогирди, Зулфияхонимнинг жигаридай иниси, Сарвар Азимовдай улкан давлат арбобининг, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саъдулла Сиёев, Турсунбой Адашбоевларнинг яқин дўсти, Фафур Фуломнинг эътиборига тушган катта шоир.

У — Эргаш Жуманбулбулнинг кенжа шогирди. Шеърларидан буюк бахшининг ҳиди келиб туради. Шеърлари содда, салимий, мазмунли, ғояли, мақсадли, тушунарли, мавҳумликдан, жимжимадорликдан холи, шеърларида ортиқча ташбеҳлар, ортиқча бұрттиришлар, деталлаштиришлар ҳам йўқ, купрок узи яшаган чул одамлари тушуниси учун содда қилиб ёзилган. Мураккаб, қийин ташбеҳли шеърларни бутун тез ҳазм қила олиш қийин. Бутунги шеърхонга ортиқча меҳнат қилмай ҳазм бўладиган, бошни қотирмайдиган шеърлар керак. Лекин, Тура Сулаймон шеърлари содда, шу билан бирга фалсафийдир.

Машаққатсиз маъдан қайда, кон қайда?
Ётоқларга тукин куз, хирмон қайда?
Хирмон тугул бурда, қора нон қайда?
Ялқов бўлсанг, кўп бор жойда сон қайда?...

* * *

Камол топар одамзод
Уйлагани ҳақ бўлса.
Севилганнинг, суйганнинг
Кўнгли оқдан оқ бўлса!

Тура Сулаймон шеърларининг узига хос қирраси уларнинг бахшиёна услубда ёзилганлигидадир.

Шоир ижоди серқирра, ундан ортиқ тарихий ва замонавий мавзулардаги улмас, уқишли, гузал дostonлари бор. Бу дostonларнинг ҳар бири катта бир шеърый роман салмоғига эга. Уларда шоир дардлари, орзулари, армонлари акс этади. «Истар кунгил», «Мен қайга борар бўлсам...», «Интизор», «Илтижо», «Сизни эслайман», «Қора кузгинам», «Гулшан», «Сарвиноз», «Жаҳоннома», «Гул бир ён, чаман бир ён», «Сайхон» каби тупламлардаги ҳар бир шеър кашфиёт даражасидаги меҳнат, салоҳият маҳсулидир.

Ор-номуси бор киши,
Ёнга беикрор киши,
Танда жони, имони
Шу элга пойдор киши.

Бобомнинг орзулари амалга ошмас бўлса,
Юрган йулимда улан, қушиқ қалаймас бўлса,
Қушиқларим боғлардан, тоғлардан ошмас бўлса,
Эл-юрт бахтини куйлаш менга ярашмас бўлса,
Кўнглимда армон ётар,
Тура билмас нор мисол...

Тура Сулаймон — орзули, дардлари бисёр шоир. Орзуларини амалга ошириш учун изланадиган, уйланадиган, бошқаларини ҳам уйлашга ургатадиган, фикрлашга, мушоҳада юритишга мажбурлайдиган шоир. Шоирнинг китобларида қаламга олинмаган мавзу қолмаган. Шеърларининг мавзулари ҳам бир жаҳон. Буларнинг барчаси шоир ижодининг узига хос қирраларидир.

[У бутун умрини Сирдарёда, чўлда ўтказди. Кўп шоирлардай марказга интилмади. Ўстозлари таклиф қилишганда ҳам пойтахтга бормади, дўстларини, бепоён, бийдай далаларини, янтоқ, шўр босган ерларини, содда, тўпори одамларни ташлаб кета олмади.] «Чули Маликий» (Ғ. Ғулом) деб ном олди. Чўлда яшаб туриб ҳам ижод билан шугулланиш мумкинлигини, истеъдод, салоҳият жой танламаслигини кўрсатди. Бутун Тура Сулаймон шеърларини, номини Марказий Осиёда эшитмаган одам кам топилади. Чунки тожик, қирғиз, қozoқ, туркман, афғон дўстларимиз Шерали Жураев, Абдурауф Олимов, Юлдуз Усмонова, Маҳмуд Номозов, Нуриддин Ҳайдаров, Рустам Ғонпов, Охунжон Мадалиев, Нажмиддин Уринов, Асадулла Холиқов каби ҳофизларнинг қушиқларини севиб эшитишади. Демак, Тура Сулаймон шеърлари кунига, кунаро радио, телевидение орқали жаранглаб турибди.

Тура Сулаймон — ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган шоир. «Ёвқочди», «Мангулик», «Гулжаҳон» дostonларининг ўзи унинг ута сермахсул эканлигидан далolat беради. Мен шоир ижодини 20 йиллардан буён кузатиб келаман. У билан кўп учрашиб гаплашганман. «Мен азонда, баҳорда, тўйларда ҳам шеър ёзавераман», «Мен илҳом келса, ёзаман» деган гапини бирор марта эшитмаганман. У қачон ижод билан шугулланишини айтмайди, фақат вақти жуда камлигидан нолийди, кўп вақти турли юмушларга сарфланаётганидан зорланади, холос.

«САЙХОН»

Шоирнинг 2002 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилган сўнгги китоби ўзбек адабиёти, ўзбек шеърхонлари учун муҳим воқеа бўлди. Чунки, бу тўплам олдинги йилларда босилган йигирмата китобдан саралаб оlinиб, охириги йилларда янги ёзилган шеърлардан тартиб берилган.

Бахт қуши топмиш қўналға шонли Туркистон айланиб —
Ўз ҳолига келмиш Турон замондин-замон айланиб.
Ҳазрати Хизр юрибди ҳур Ўзбекистон айланиб,
Тўтросига қўнмиш Ҳумо мустаҳкам Қурғон айланиб,
Чор атрофга зор йўлатмас Семурғ девон айланиб.
Амир Темур руҳи шодмон иззатли Султон айланиб,
Бу не бахтким, юрса Худҳуд Тўра Сулаймон айланиб!

Она юртимиз — Ўзбекистоннинг бутунги чиройини, мустақиллик мадҳини бундай содда, самимий, тушунарли қилиб элга етказишга Тура Сулаймон ҳам бел боғлаган эди.

«Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади» умумий сарлавҳа остида ёзилган «Йиғлар», «Сохтадан-сохта», «Ҳолинда I», «Айланиб», «Устувор», «Имтиҳон», «Тарки жамоа», «Фахрия» каби асарлари шоир ижодининг гултожи ҳисобланади.

Чиройда Тонг юлдузи билан ёнма-ён ўлка,
Ҳар бир тамал тошининг ўзи бир дoston ўлка,
Кечмиши, кечирмиши — дунёга аён ўлка,
Жон фидо қилса арзир Жаннат Маконим Менинг.

Шоир Ўзбекистонни бутун борлиғи билан севди. Инсонларни, айниқса, ёшларни бу ўлка қадрига етишга, унинг тарихини урганишга, ундан сабоқ олишга, утмишдаги аллоmalарга муносиб вoрис бўлишга чорлади.

Тура Сулаймон — ватанпарвар, юртпарвар, кўнгилпарвар шоир эди. Инсон кўнгли — Каъбадек муқаддас эканлигини яхши биларди. Инсон кўнглини кутаришни, инсон кўнглига малҳам буларли сузлар айтишни инсоний шоирлик бурчи деб биларди.

У — меҳнат куйчиси, меҳнатсеварликни инсоннинг энг олий фазилати эканлигини доимо шеърхонларга уқдиришга ҳара-

кат қилди. Муҳаббат куйчиси сифатида муҳаббатни баралла куйлади.

[Оналарни мадҳ этаркан, шеърларида уларнинг орзу-армонлари, ғам-ташвишларини ишонарли, табиий ҳолда куйлади.

Бахшилик унинг қон-қонига сингиб кетган эдики, шеърлари халқ тилига, дилига яқин бўлди, халқ оғзаки ижодини ёзма адабиётга яқинлаштирди ва шеърларининг аксарият қисмини бахшиёна услубда ёзди.]

«ОСМОН УРТАСИНДА УРТАНАДИР ОЙ»

Сиз бирон марта осмонга ой чиққанда ёки ой тулиб, кундай ёруғ булганда уни кузатганмисиз? Мен кузатганман. Аммо ойнинг уртанганини пайқамаганман. Бу шоирнинг бўрттириши. Ҳақиқатан ҳам бутун бир осмонда яккалитидан, ёлғизлитидан, зерикканидан, йулдоши, ҳамсуҳбати, дардкаши йўқлигидан ой уртанаётгандир. Бу ҳолатни бошидан кечирган файласуф шоиргина тиниқ осмондаги ойга қараб, унинг уртанганини сеза олгандир.

Бу юлдузлар кимнинг канизаги деб,
Кимни айтар туннинг кўрк, беаги деб,
Қуёшнинг кукдаги эгизаги деб,
Осмон уртасинда нозланадир Ой.

Мен осмоннинг гузаллиги, бепоёнлиги, латифлиги, кенглиги туғрисида унлаб шеърлар ўқиганман. Осмонни кўп кузатганман, лекин бирон марта ойнинг нозланганини сезмаганман. Профессор Қозоқбой Йулдошев айтганидек, шоир Тура Сулаймон осмондаги юлдузлар қуршовидаги ёлғиз ойнинг нозланаётганини пайқай олган. У учун Ой нозланган. Ойнинг «армонлангани»ни, ҳорғин сузаётганлигини, безовталанганини, тугилганлигини, тўлғонганини, изтиробдалигини, тўхтаб қолганлигини, маъюсланганлигини, азобланганлигини, тебранганлигини, уртанганлигини, қўрғонланганлигини сезиш, ҳис қилиш учун фақат шоир бўлиш керак. Шоир назари, диди, салоҳияти билан осмонни кузатиш ва у ҳақда мулоҳаза юритиши мумкин. Осмондаги оддийгина сузиб кетаётган ойдан ҳам Тура Сулаймон олам-олам маъно топади. Қизиғи шундаки, бу

маънолар, ғоялар, фикрлар инсонни лоқайд қолдирмайди. Бу шеър шоир эҳтироси, ҳиссиёти ва идрокининг ута кучлилигидан, назиклигидан далолат беради.

Бир-бирига тинмай отсалар тош деб,
Алҳол, пастга энар булса Қуёш деб,
Тирик жон бу ҳолга беролмас дош деб,
Осмон ўртасинда азобланар Ой.

ТУРА СУЛАЙМОН – ЁЗУВЧИ, ПУБЛИЦИСТ

Тура Сулаймоннинг ажойиб, ҳаётӣ ҳикоялари, қатралари, ҳажвиялари, достонлари бор. Ҳикоялари Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Хайридин Султоновларникидай мазмунли, моҳиятли. Унинг ҳикояларига адабиётшунослар ҳали эътиборини қаратганларича йўқ. Адабиётшунослар шоир айтганидек, «фақат мартабали, унвонли ёзувчиларга ҳамду санолар айтишдан бушаганлари йўқ». Айниқса, маҳаллий ёзувчи ҳақида гапириш, ҳикоялари, публицистик мақолалари ҳақида илиқ фикр айтишга имкон топганларича йўқ.

Рости, кейинги уч йил мобайнида Тура Сулаймон ижодининг яна бир қирраси очилди. 70-йилларда «Ҳамқишлоқларим» номи остида очерклар эълон қилди, ҳикоялари, қатралари, ҳажвиялари «Алҳазар» тўпламидан жой олди. «Алҳазар» 80-йилларда махсус мукофотга сазовор бўлди. Лекин гап булар ҳақида эмас, балки Тура Сулаймон ижодининг янги қирраси – публицистикаси ҳақида кетаяпти. Ижодкорнинг Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейинги ижоди янада гуркиради, шеърдан кура жамиятимизда кузга тушган, асабга тегадиган камчиликлар ҳақида публицистик мақолалар ёза бошлади ва ош еганда тош чиқиб, тишга тегиб, инсон ғашини келтириб, асабига тегадиган, озгина эътиборсизлик, фаросатсизлик, мушоҳадасизлик оқибатида йул қуйилаётган, аммо тузатса, олдини олса бўладиган лоқайдликнинг мевалари ҳақида бутун республика зиёлиларининг эътиборини ўзига тортди. Унинг «Олтин сандик» асарини купчилик уқиган ва унинг ёзувчилигига тан берган. Республикамиздаги адабиётшуносларгина эмас, балки Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан тортиб Набижон Боқий, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Исмоиллар ҳам унинг ижодига, ноёб истеъдодига тан берган.

«ТИЛ — УЗАГИМИЗНИНГ, УЗЛИГИМИЗНИНГ, УЗИГА БЕКЛИГИМИЗНИНГ БОШ БЕЛГИСИ»

Матбуот, маданият ва адабиётимиз жонкуярлари эътиборига ҳавола қилиниб, «Ўзбекистон овози» газетасида бир саҳифа ҳолида чоп этилган бу мақола республика телевидениеси, радиосини, газета-журналларини, қисқаси, барча журналистларни анча ҳушёр торттирди.

«Бутун халқнинг тили ҳам, маданияти-маърифати ҳам, санъати-адабиёти ҳам бутун бўлади, — деди Тура Сулаймон. — Ва тилимизни, адабиётимизни, санъатимизни хас-чуплардан тозалашимиз зарур. Бу тилни тиниқлаштириб, чупу хаслардан, курмак-атаслардан тозалай бориш биргина тилшуносларнинг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз, бурчимиз!» Ҳолбуки, бу иш 20—30—40 йиллаб тил илми нонини еган тилшунос олимларимизнинг юмуши эди. Лекин Тура Сулаймон «Зангори экран» ва радиода, газета-журналларда айрим суз, атама ва ибораларнинг ножоиз, ноурин қулланилаётганини куриб жим туролмади.

«Гулистон Давлат университети профессори сифатида мен ҳам, қуй-е-е, менга нима деб, чиллахонага кириб кетиб, кузга кузойнакни ёпиштириб олиб тўрт куз бўлиб олиб булар-булмас жуққёна шиғирларни ёзиб, ё илмий ишлар билан шуғулланиб (садағаси кетай уша шиғирларинг билан палағда илмий ишларингни дейдиган бўлса, кошки), кукрагимни захга бериб ётсам булар эди. Гап ана шу менга ним-а-а-а, дейишда! Бу кетишда тилимизнинг аҳволи нима кечади, деб мен уйламасам, сиз қайғурмасангиз, у эса уз қилар ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тижоратчиликка уриб кетса (хижолат булмасдан), алал-оқибат нима бўлади?» Мана, Тура Сулаймонни безовта қилаётгандард! Бу мақола шоирнинг тилшунос олим эканлигини курсата олди, у жасорат билан бу мавзунини кутариб чиқди ва тилшунос олимларнинг эътиборини бу масалага жалб қилди. Мақола газетада босилганидан кейин анчагина баҳсларга сабаб бўлди. Хатolikларнинг олди олинди, матбуот, телевидение, радио тилига алоҳида эътибор берила бошланди, уқиладиган матнлар тилшунос, стилистикани яхши тушунадиган мутахассислар маслаҳати билан бойитилди, штатлар жорий этилди. Энг асосийси, энди бош-охири, эга-кесими тескари гаплар камайди.



Тура Сулаймонни Ўзбекистон Ётувчилар уюшмаси биринчи уринбосари Сирожиддин Саййид табрикلامокда. 2004 йил, 30 ноябрь.

Маънавият қаердан бошланади? Биринчи галда тилдан. Инсоннинг билими, дунёқараши, онги, тафаккурининг қай даражадалигини у айтаётган гап, фикр орқали билиб олиш мумкин. Демак, инсон баркамоллик, комилликни даъво қилаётган экан, маънавиятни, маданиятни узида мужассам деб билаётган экан, соф ўзбек адабий тилида гапира олиши, ёза олиши зарур. Бугун телевизорда, радиода гапираётганларнинг анчагинаси «вотти-вотти»дан бушамайди. Сухбатлашаётган мухбир оса «бундай гапирманг, бу телетомошабинларга ҳурматсизлик, эътиборсизлик белгиси», демайди ёки дейишга журъати етмайди. Тура Сулаймонни бу каби «жузъий», асабга тегишлар безовта қилади, жим туролмайди. Хато қилаётганлар юзига «ойна» тутишни яхши куради. Бу ойна тутини орқали қанчадан-қанча кучалар, эшиклар узи учун ёпилиб қолишини ҳам яхши билса-да, чучимади.

Тура Сулаймон узбек тили истеъмолига жуда кўп янги термин ва сўзларни олиб кирди. Халқ ичида қўлланиб, бутун унутилаёзган юзлаб сўзларни шеърларида қўлади. Сўз қўллашни билиш, сўзни ҳаракатлантириш, уни жилолантириш, нақшлантириш, ҳайратлантириш, унинг янги маъноларини очиш шоирлик белгиларидан бири. Сўзни ишлата олиш, уз жойида қўллай билиш, сўзни санъат даражасига олиб чиқиш шоир салоҳиятига, маҳоратига боғлиқ. Шу маънода Тура Сулаймон сўзни эъзозлайдиган, унга «жон» киритадиган шоир эди.

«АСЛИДА БЕШИКДАН БОШЛАНАР ҚУШИҚ»

Республика Матбуот ва ахборот агентлиги, Телерадиокомпанияси, Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси раҳбариятлари эътиборига ҳавола этилган бу мақола қушиқчиликнинг бутунги аҳволи масаласига бағишланган. «Халқ сузи» газетасининг 2002 йил 13 декабрь сонида босилган бу мақола маънавият тарғиботчилари, маърифатчилар, маданият ходимлари учун, юмшоқроқ қилиб айтганда, қаттиқ танбеҳ эди.

Ўзбекистон Президенти фармони билан иқтидорли, истеъдодли қизлар уртасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бу ниҳоятда яхши иш. Лекин ростини айтиш керак, бутун мактаб ўқувчилари орасида ясама шоирлар купайиб қолди, бу «шоира»ларнинг шеърларини ўқиган кишининг энсаси қотади. Чунки «шеърлар»нинг аксарияти ясама қофия, ясама ташбеҳ, ғашга тегадиган сатрлардан иборат, шеър деб бўлмайди. Ҳозирги пайтда китоб чиқариш маблағга боғлиқ. Маблағ булса, китоб чиқариш уйинчоқ. Айрим шоирларимиз «хизмат»и эвазига шоирачалар «ясаш» билан шуғулланмоқдалар. Хуш, уларнинг «ижодлари»дан, китобларидан адабиёт, халқ нима наф куради? Бу асосий масала ҳеч кимни қизиқтирмайди. Нима булса булар, маблағ кетса — кетар, китоби чиқса булди, қабилида иш олиб борилмоқда. Мақсадлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодини курсатиш. Мукофотга илинмаса, яна хафагарчилик, илтимосчилик. Яқинда телевизорда бир ёш шоира ҳақида курсатув берилди. «Биз, ижодкорлар...» деб гап бошлади қизгина. Ҳайрон қоласан киши, ҳали эндигина компьютерда пиёзнинг пустидай китобчаси

чиққан «шоира» шундай деб турса, 2—3 та китоби чиқса нима булар экан, деб ҳайрон қоласан. Абдулла Ориповнинг ундан ортиқ китоби чиққанда ҳам «мен шоир эмасман, қаламкаш, ҳаваскорман» деганини кўп бор эшитганмиз.

Халқимизда истеъдодлар кўп. Табиатан шоирлик юққан, ҳақиқий маънодаги истеъдодларни бу юксак мукофотга тавсия этишимиз керак. Зулфияхоним номидаги юксак мукофот унта мақола ёзган ёки битта рақсни яхши урганган, кашта тикишни билган қизчагагина эмас, балки ижодкорлик хислатига эга булганларга берилса, адолатли иш буларди. Тура Сулаймон Зулфияхонимнинг инисидай, жигаргушасидай яқин инсон эди. Шоирнинг иккинчи қизи Юлдуз Зулфияхоним уйида яшаб, Тошкентда ўқиган. Тура Сулаймон бугун буюк шоира номидаги мукофот обрусини туширмаслик кераклигини истамоқда. Ижодкор кўпайса — яхши, лекин ясама ижодкорлик қачонгача давом этади? «Устоз»лари қанча вақт уларнинг шеърларини тузатиб ёки ёзиб бериб туришади? Бу иллатларга чек қўйиш зарур!

Тура Сулаймон иқтидори борларга доимо оқ йўл тилаган. Шеърларини Тошкентга, таҳририятларга олиб бориб берган. Ҳаётхон Ортиқбоева, Баҳор Холбековаларни юзага чиқарган, халққа танитган Тура Сулаймондир.

Тура Сулаймон мақоласида ясама шоиралар пайдо бўлиши жараёни мисоллар орқали курсатилган. Бу жараёнга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш орқали — «адабиётнинг кучини утин ёришга сарфлаш керак эмас»лигини (А.Қаҳҳор) айтмоқчи. Шоирлик мансаб ёки ҳунар эмас. Шеър, бу — истеъдод меваси. Инсон кунглининг кучаси кенг, у нималарни истамайди, дейсиз! Истакнинг узи билан иш битса қошки эди. Ким шоир бўлишни истамайди? Китоб — муқаддас! Китоб — табаррук! Ундаги тизма ҳам мазмунан оҳорли, инсонларни тарбиялашга, маънавиятини ўстиришга хизмат қилиши керак.

Китоб нонга тенглаштирилади. Китобнинг қадрини ерга уришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бадий савияси буш асарлар эса китоб қадрини пастга урилишига сабаб бўлмоқда. Мазмунан саёз, мукофот олиш илинжида чоп этилган китобчалар китобхонлар ихлосини қайтаради, китобга булган қизиқишини сундиради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш зарур. Шоир Тура Сулаймонни безовта қилган нарсаси ҳам — шу.



Тура Сулаймонни шогирди Ўзбекистон халқ шоираси
Халима Худойбердиева қутламоқда.

Телевизордаги, радиодаги қушиқларни барчаси ёши улуг кишиларга мос келавермаслиги табиий. Аммо қушиқ «улкамиз, халқимиз руҳига мос келадиган иймон-эътиқод, адлу инсоф, динат, меҳру оқибат, ор-номус, иффат ва ҳас каби эзгу фазилатларни узида акс» эттириши лозим. Афсуски, айрим қушиқлар инсон гашига тетади, холос. Тура Сулаймон қушиқ деб атаб булмайдиган суз тизмалари ҳақида куйиниб сзади. Шоирнинг бу танбеҳлари республика телевидениесининг «Ёшлар» телеканалига купроқ тегишли.

Қушиқ — маънавий неъмат. Қушиқ инсон руҳини бойитади, тозартиради, онгини ривожлантиради, ҳис-туйғусини устиради, тарбиялайди. Лекин бугун телерадиоканалларда, берилаётган куй-қушиқларнинг савияси шу даражада пастки, тингловчилар дидини фақат пасайтиришга, утмаслаштиришга хизмат қилади. Бунга масъуллар эса қушиқчи нима деяётганини ё эшитмайди, ё англамайди. Бундай бачкана, маза-мат-

расасиз қушиқлар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Агар бундай савияси паст бунёдкорликни, юртпарварликни, инсонийликни улуғламайдиган қушиқлар битта бўлса, у ҳам кўп, унинг зиёнини баҳолаб бўлмайди.

Бугун китоб ўқимаётган, китоб ўқишдек «оғир» меҳнатдан аксарият ёшлар қочаётган бир паллада қушиқнинг аҳамияти жуда улкан. Шунинг учун Тура Сулаймон енгил-елпи қушиқлар телерадиоканалларда берилмаслигини айтмоқда.

Тура Сулаймоннинг ҳар бир мақоласи ўзбек публицистикасига қушилган катта ҳиссадир. Бу илмий мақолалари учун унга 2001 йида Гулистон давлат университети илмий Кенгаши «Университет профессори» фахрий унвонини берган.

Ижодкорни фақат бу воқеаларнинг ўзигина эмас, балки деҳқончиликдаги ўзибуларчиликлар, еришуносликдаги хатоликлар, талон-тарожлар, пахтачиликдаги емирилиш ва алдашлар, пахта тайёрлаш йиллик режалари бажарилмаётганининг сабаблари каби унлаб муаммолар ҳақида ўз қарашларини илгари суради. У ўзини ақлли, доно қилиб кўрсатмайди, мутахассислар эътиборини оғриқли нуқталарга қаратади, ижодкорлик, инсонийлик бурчини бажаради, холос.

Тура Сулаймон — мамлакатимиз ютуғидан гурурланадиган, қувонадиган, камчиликларни бартараф қилишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилаётган, халқ юрагининг овози назифасини баҳоли қудрат бажарган оддийгина, камтаргина, камсуқумгина шоир сифатида ёниб, алангаланиб турди. Кўнгиллар бу оловдан исинди, руҳланди.

Пайғамбаримиз «отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш — Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир», яна: «Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда боніқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, яна хор бўлсин!» деганлар.

Ижодкор халқ ичида юриб, халқ меҳрини, ҳурмат-эътиборини қозониб, улуғ, донишманд, файласуф деган номга сазовор бўлади. Демак, ота-боболаримиз илгари сурган эзгулик, яхшилик, меҳр-оқибатлилик, инсонийлик ёзларини янгича мазмунда, янгича оҳангда ифода қилаётган ва инсонларнинг назик нуқталарига, юрагини жунбишга келтирадиган шеърлар

ёзган, ўлмас сатрлар битган ҳар қандай қаламкаш эълозла-нишга лойиқ.

«Адаб ақлнинг ташқи суратидир», «Адаб — ақл ва имон-нинг чироғи, обрӯ-эътибор сармоясидир», дейилган ҳикмат-ларда. Шу нуқтаи назардан, Тура Сулаймон асарлари инсон-ларни ахлоқли, маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялаш-га хизмат қилади.

* * *

2004 йилнинг 30 ноябри. Куёш субҳидамдан чарақлаб чиқ-ди. Эрталаб соат унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан бир гуруҳ меҳмонлар микроавтобуси Сирдарё вилояти ҳокимияти биноси олдига келиб тухтади.

Вилоят ҳокими ҳамда вилоят ижодкорлари Ёзувчилар уюш-маси раисининг биринчи уринбосари Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Ҳалима Ху-дойбердиева, «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири Дил-бар Саидова, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходи-ми Муҳтарама Улугова, шоир Рустам Мусурмон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими масъул котиби Маҳмуд Тоир, адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев, про-фессор Қозоқбой Йулдошев, ёзувчи Набижон Боқий, шоир ва таржимон Асқад Маҳкам, шоир Рауф Субҳон, фалсафа фанлари доктори, профессор, ёзувчи Тилаб Маҳмудов, «Му-наввар тонг» курсатуви бош муҳаррири, шоир ва драматург Муҳаммад Исмоил ва бошқаларни кутиб олдилар.

Вилоят ҳокимиятидаги учрашув қисқа танишув билан бош-ланди. Вилоят ҳокими иш бошлаганига тўрт кун бўлаётганли-гини, иш фаолияти яхши, эл ардоғидаги кишиларнинг Сир-дарёга ташриф буюришлари, Тура Сулаймоннинг 70 йиллик тўйи муносабати билан Адабиёт байрами бошланаётганлиги жуда хайрли эканлигини айтиб ўтди.

Олим Хужаев номли Сирдарё вилоят мусиқали драма теат-ри биноси байрамона безатилган. Тантанани Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими, шоира Ҳаётхон Ортиқбо-ева кириш сузи билан очди. Биринчи табрик сузи вилоят ҳоки-мига берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг табригини уюшма раисининг биринчи уринбосари Сирожиддин Саййид уқиб эшиттирди.

Жиззах вилояти ҳокимияти номидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими масъул котиби, ёзувчи Туроб Мақсуд ва вилоят ҳокими маслаҳатчиси Абдуғани Илашевлар табриклади.

Шунингдек, профессор Қозоқбой Йулдошев, Тилаб Маҳмудов, Ҳалима Худойбердиева, Жуманиёз Жабборов, Муқимий номли, О.Хужаев номли театрлар, Гулистон давлат университети, бошқармалар, туман, шаҳар ҳокимликлари вакиллари шоирни қутлуг ёши билан муборакбод этди.

Тантанани Шохжаҳон Жураев, Абдурауф Олимов, Абдурахим Султонов, Асадулло Холиқовлар узларининг куй-қушиқлари билан янада мазмунли утишига ҳисса қўшди.

ТУРА СУЛАЙМОН – ЖУРАБОШИ

Сирдарё вилояти пойтахтга яқинлиги учун ҳам ижодкорлар бу ерга куп ташриф буюришди.

Тўра Сулаймон хонадонига академик Фафур Фулом, Султон Акбарий, Миртемир, Ҳомил Ёқубов, Собир Мирпалиев, Фаффор Мўминов, Саъдулла Сиёев, Турсунбой Адашбоев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Исмоил, Асқар Маҳкам, Набижон Боқий, Иқбол Мирзо ва бошқа куплаб шоир-ёзувчилар ташриф буюриб, дийдор баҳона чўл ҳавосидан баҳраманд бўлишган, қатор очерклар, шеърлар ёзганлар.

Миртемир домланинг эшиги ҳамма учун очиқ бўлган, лекин купчилик катта шоир хонадонига боришга юраги бетламаган. Чунки Миртемир домланинг саволларига жавоб бериш, шеърига баҳо бериш, шеърини таҳлил қилиш, камчилигини курсатиш, шоир дидига монанд фикр айтиш ҳамманинг ҳам қулидан кела бермаган. Тўра Сулаймон бошқаларга нисбатан Миртемир домлани ўта ҳурматлагани учунми ҳеч тортинмай устоз билан баҳслашга киришган, шеърларини курсата олган, тавсиялар ола билган. Миртемир домланинг уйи арининг уясидай ёшлар билан тула бўлган. Айниқса, домла Тўра Сулаймонни кўрмаса, гаплашмаса, соғинган.



Тура Сулаймонни педагогика фанлари доктори, профессор
Қозоқбой Йулдошев табрикламоқда.

Тура Сулаймон Зулфияхоним, Сарвар Азимов, Туроб Тула, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Фулом каби забардаст ижодкорлар меҳрига сазовор бўлган, улар билан доимо хат ёзишиб турган, оилавий борли-кели қилган. У устозлари, дўстларидаги хислатларни ёшларга ургатишга доимо ҳаракатда эди. Вилоятдаги «Ёш ижодкор» тўғарагига бир неча йил раҳбарлик қилди, университетдаги «Ёш ижодкорлар» кичик мактабини бошқарди, унлаб ижодкорларнинг арзирли китобларига оқ йул тилади, бу китобларнинг юзига чиқишига имконият яратди ва бу билан унлаб ижодкорларнинг устозига айланди, яъни истеъодларни кашф этди.

1996 йилнинг боши эди. Телефон жиринглади. Гушакни олсам, «академик Сулаймонов безовта қияпти, эртага кечқурун бизникига утсангиз», дедилар. Тўққиз йил, Тура Сулаймон вилоят ижодкорларига Сирдарё адабиётининг отаси сифатида журабошилиқ қилди. Ҳар ойда бир марта йиғилишиб, янги асарлар, режалар, нашр қилинган китоблар тўғрисида фикрлашиб, баҳслашиб, гурунглашиб олардик. Бу йиғиннинг

аксарияти адабий баҳсга, мунозарага айланиб кетарди. Бугун Сирдарёда 40 дан зиёд ижодкорлар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Саминжон Султонов, Анқабой Кулжонов, Ҳамроқул Ризо, Умрзоқ Улжабоев, Ҳаётхон Ортиқбоева, Жура Умарқулов (марҳум), Баҳор Холбекова, шоир-ёзувчилар Мухтор Носир (марҳум), Ҳасан Абдувоҳидов, Шомурод Холмуродов, Турсунбек Раҳмонов, Бахтиёр Ватан, Фарҳод Норматов, Нормамат Тошбулов, Солижон Қудратов, Ҳаёт Шодмон, Мунаввар Пардаев, Абдурахим Султонов, Абдураззоқ Усаровлар ижод намуналарини ҳар ойда бир марта куриклдан ўтказиб олар эдилар. Тура Сулаймон ижодкорлар бошини қовуштириб, бирлаштириб турган журабоши эди.

Демак, Тура Сулаймон нафақат шоир, ёзувчи, публицистгина эмас, адабиётшунос, тилшунос олим ва аввало ёш ижодкорлар бошини бирлаштирган, бошини силаган инсон ҳам эди.


БАХМАЛ

Тура Сулаймон Жиззах вилояти Баҳмал туманининг Алдошман қишлоғида туғилганлигини айтиб эдик. Тўрт ёшида Сирдарё вилояти Сирдарё туманига кўчиб келишган. Сирдарё туманидаги I-урта мактабда ўқиган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Турли газеталарда бўлим муҳаррири, мухбир, мактабларда ўқитувчи, мактаб директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи ҳамда Гулистон давлат университети профессори лавозимларида фаолият кўрсатган.

У Баҳмални Ўзбекистоннинг Швейцарияси, одамларининг диди балаиц, нафсонияти жуда юқори, дер эди.

1999 йил февраль ойида унинг 65 йиллик туйи Баҳмалдан бошланди. Бир гуруҳ ижодкорлар Сирдарёдан Жиззах вилоятининг Баҳмал туманига жунадик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева, шоир Бахтиёр Ватан, ҳофиз Нажмиддин Уринов, шоиралар Баҳорой Холбекова, Холида Пардабоева, Тошкентдан Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парпи, шоир Турсунбой Адашбоев, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошевлар таъриф буюришди.

Тура аканинг 65 йиллик туйи Баҳмал туман ҳокимлигининг катта залида эсда қоларли тадбир бўлди.



Суратда: (унгдан чапга) ёзувчи Турсунбек Раҳмонов, Тура Сулаймон, профессор Анқабой Қулжонов, профессор Азимжон Парлиев, иккинчи қаторда Р.Маҳмудов, «Адолат кузгуси» газетаси бош муҳаррири Фарҳоджон Норматов, тарихчи олим, вилоят Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Солижон Қудратов, ёзувчи Шомурод Холмуродов, шоир Бахтиер Ватан, олим Нормамат Тошбулов, шоир ва ёзувчи Ҳасан Абдувоҳидов. 2003 йил, август.

2004 йилда шоирнинг 70 йиллик тўйи ҳам яна Бахмал туманидан бошланди. Сирдарёлик ижодкорлар вилоят ҳокимиятида кутиб олиниб, Бахмалга жунатилди. 70 йиллик тўй Жиззахда катта адабиёт байрамига, шеърият байрамига айланди. Бахмал тумани қишлоқларида, мактабларида ижодига бағишланган кечалар, учрашувлар ўтказилганлигини эшитиб, Тура ака жуда хурсанд бўлганди. Бахмалликлар қалбан ижодкорликка, шеъриятга яқин инсонлар. Чунки Бахмалнинг табиати, манзараси, адирлари, олма-ю анорлари, шафтоли-ю беҳилари, айниқса, асали дунёга машҳур. Яна улар жуда одам-охун, меҳмондорчиликни яхши курадиган, меҳмон ҳурматини

жойига қуя оладиган, нозик табиатлилиги, соддалиги билан мамлакатимиздагина эмас, балки жаҳонда шуҳрат қозонган.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижоди ҳақида минбарда маъруза қиларкан: «Мана шу кичик жуссали, хунук одамни ҳамма мақтамоқда, нимасини мақтайсизлар, менга ухшаб чиройли, келишган, гавдали булмаса, ҳеч булмаса муйлови ҳам йўқ. Қулидан ҳеч иш келмаганидан кейин шеър ёзади-да. Кетмон чополмаса, уроқ уролмаса, мол боқолмаса, — деб ҳаммани кулдирди ва қушиб қўйди: — Осмон ўртасинда нозланади ой... Ойни осмонда нозланганини ким курган? Бу гузал ҳолатни фақат Тўра Сулаймон куради, ҳис қилади ва бу гузалликдан баҳра олишни бизга илинади».

Маърузачининг ҳазилини тушунмаган шу ерлик бир муҳлис туриб:

— Ҳой бола, сен нега бизнинг Турани ёмонлаяпсан? Сен Тўрани кимлигини билмайсанми узи? Уни шеърини Шерали, Охун, Абдурауф, Юлдузлар айтган. Тўра яхши бола, яхши одам, куп одамларга нафи теккан. Мактабда Турани набираларим ўқишади. Мен Турани ҳамқишлоғи буламан, — деганида залда яна қаҳқаҳа янгради.

Мен баҳмалликларнинг беғубор соддалигига, ҳамма гапларни ўз ҳолича қабул қилган отахонга ҳавасим келди. Қишлоғида туғилган шоирни гуё ҳимоя қилаётгандай гапиришига тасанно айтдим. Мана одамгарчилик, ватанпарварлик! Демак, Тўра Сулаймон бекорга шоир булмаган. Тантанани бошқараётган туман ҳокими «ҳозиргина Тўра акани «ёмон»лаётган йигит — катта адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев. Сизнинг набирангиз ўқиётган дарсликни шу олим Ҳамидулло Болтабоев билан бирга ёзган, бу дарсликка Сизнинг ўртоғингиз Тўра Сулаймон ҳам кирган», дея изоҳлаб берди. Зал гулдурос қарсакларга тўлиб кетди.

Мен, бу қарсаклар содда отахоннинг содда гаплари учунми ёки ҳокимнинг изоҳи учунми, ёки Тўра Сулаймонни дарсликка олиб кирган Қозоқбой Йўлдошев учунмиди, билмадим.

Баҳмалликлар ана шундай содда, шоиртабиат инсонлардир. Тўра ака ҳар йили ҳеч булмаса туй-маъракадан ташқари ун-ун беш марта Баҳмалга бориб турарди. Киндик қони томган макон шоирни доимо ўзига тортарди. Баҳмал уни бунёд этган бўлса,

Сирдарё камолга етказди. Тура ака ҳеч қачон «мен Сирдарёданман», демаган, доимо «мен ўзбекистонликман», дерди. Шеърларининг асосий қисми Ватан, юрт ҳақида. Уни куйлатган, ҳайратлантирган, қалбига гузалликни, эзгуликни солган юрт бу — Бахмалдир. Бахмал эса Ўзбекистоннинг гузал хуснидир.

ТУРА СУЛАЙМОН — ПРОФЕССОР

Гулистон Давлат университетига Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ва Республика «Тасвирий ойина» бирлашмасининг раиси Исфандиёр Латиповлар учрашувга ташриф буюрдилар. Абдулла ака келган замониёқ «Тура ака кўринмайдилар, соғлиқлари яхшими?» деб суради. Бу пайтда Тура ака Тошкентдаги «Турон» санаторийсида дам олаётган эди.

— Тура акадан фойдаланиш керак, у киши бахши, туғма шоир, — деди Абдулла Орипов.

Шу гапдан кейин университетдаги «Ёш ижодкорлар» тўрагини бир неча йил Тура Сулаймон бошқарди. Ҳафтада икки, баъзан уч кунини университетда, талабалар ижод намуналарини таҳлил қилиб ўтказарди.

Шоирни «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида туркум, долзарб муаммоларга бағишланган мақолалари чоп этилди. Бу мақолалар катта илмий салоҳиятга эга олимнинг кузатишлари маҳсули эди. Уни ёшлар маънавиятига, маърифатига, тарбиясига, илмга қўшаётган улкан ҳиссаларини ҳисобга олиб, университет ректорининг ташаббуси билан шоирга «фахрий профессор» унвони берилди.

Тура ака дилидаги гапини кўп вақт тилига чиқаравермайдиган инсон эди. «Сизга профессор унвони бермоқчимиз, ҳужжатлар керак», десам, «шартмикин, шоирлик қаерда-ю, олимлик қаерда? Олим — катта одам, мен бир шигир ёзадиган тайини йўқ бўлсам, профессорликка йўл бўлсин», деди. «Ута камтарлик ҳам манманликка киради», деган гап бор. Жамоа маъқул курибдими, Сиз рози бўлаперинг», десам, индамади. Демак, рози. Масалани университет илмий Кенгашига муҳокамага қўйиб, тасдиқлатиб олдик ва керакли ҳужжатларни Тура акага ректорнинг хонасида топширдик.

Тура ака профессор унвонига сазовор булганларидан жуда хурсанд булганди. Давраларга киришда «профессор Тура Сулаймон келаяпти, йулни бушатинглар», деб ҳазил қиларди. Республика матбуотида бир-бир ярим саҳифа мақолалари чоп этилса, албатта «Гулистон Давлат университети профессори» деб ёзиб қуярди ва бундан гурурланарди. «Мен профессорман, демак, катта, кўп мақолалар ёзишим керак. Унвонни оқлашим зарур», дердилар.

Матбуотда, айниқса, вилоят, туман, шаҳар газеталарида шапалоқдек хабари ёки мақоласи босилса, муаллиф «Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деб имзо қўйишини сўқтирмаган шоир: «Қаранг, савияда гап кўп, Равшанбек. Инсонда аввало савия баланд бўлиши керак. Хабарга ҳам унвонни борлигини қистириб қўйибди. Айрим одамларда уят қолмади-да», деб афсусланарди.

Гулистон Давлат университети филология факультетининг 405-хонаси Ўзбекистон халқ шоири Тура Сулаймон номли ўқув хонасига айлантирилди. Мазкур хона бутунги кун талаби даражасида таъмирланди. Ўқув хонасида шоирнинг китоблари, фойдаланган ручкалари, қўлёзмалари, ҳаёти ва ижодига оид катта курғазма, портрети жой олган. Ўқинш хонасига кирган киши шоир ижоди, меросидан баҳраманд бўлади. Талабалар ҳар куни бу хонада шоир нафасидан, нафосатидан, маънавияtidан, маърифатидан баҳраманд бўлиб турадилар. Ўқув хонасига ижодкорни турли йиллардаги газета-журналларда босилган энг долзарб мақолалари қўйилган.

Университетда Тура Сулаймон номидаги стипендия ташкил этилган. Шоир номини абадийлаштириш учун университет илмий Кенгаши қарор қабул қилиб, тавсия ва қарорлар вилоят ҳокимлигига берилган. Қарорда Гулистон шаҳри, Мирзаобод, Сирдарё туманларидаги бирор мактабга, Гулистон шаҳар кучаларига, «Анҳор» дам олиш масканига шоир номини бериш ва музейини ташкил этиш лозимлиги кўрсатилган.

Маънавият қаердан бошланади? Маънавият ўзликни билишдан, англашдан, миллий, умуминсоний қадриятларни ҳурматлашдан бошланади. Халқ, Ватан учун ўлмас, умрбоқий асарлар қолдириб кетган ижодкор номини эъзозласак, тала-

ба-ўқувчи ёшларга асарларини ўқитиб, ургатсак, шундагина бизнинг маънавиятимиз, маърифатимиз ўсиб, ўзгариб, тафаккуримиз бойиб боради. Чунки маънавият инсонга ҳаводек зарур. Маънавияти юксак одамда ёмон фикр, ёмон ғоя бўлмайди. Озод ва обод Ватаннинг тараққиётида маънавиятнинг роли беқиёс. Демак, биз Тўра Сулаймоннинг қушиқчиликка, ўзбек тили тараққиётига, журналистикага, телевидениега, радиога, деҳқончиликка, ижодкорликка бағишланган газеталарда чоп этилган мақолаларини йиғиб, китоб ҳолига келтирсак, маънавиятга катта ҳисса қўшган бўламиз.

Маънавият — халқ, Ватан учун хизмат қилган ва бугун ҳам асарлари билан хизмат қилаётган ижодкорларни эъзозлашдан бошланади. «Дононинг сузидан ҳам қолма, юрган изидан ҳам», деган мақол бор ўзбек халқида. Тўра Сулаймон донишманд, унинг ҳар бир шеъри катта кашфиёт маҳсули эди. Демак, биз унинг ижодини кўпроқ тарғиб қилсак, китобларини ёшларга ўқитсак, юртимиз маънавиятини, маърифатини ўстиришга катта ҳисса қўшган бўламиз. Тўра Сулаймон асарларини ўқиш, бу — баркамоллик томон қадам ташлашдир.

МИРТЕМИР ВА ТУРА СУЛАЙМОН

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза ва Бердақ мукофоти лауреа-и Миртемир домла Тўра Сулаймон билан кўнгилтортар, дилтортар, бир-бирита яқин инсонлар эди. Миртемир домла адабиётга фалсафий шеърлари билан кириб келди ва охириги нафасига ажайиб шеърлар, асарлар ёзди. Аслида ижодкорларнинг ўсиш, кўтарилиш, пасайиш давлари бўлади. Миртемир домлада бундай паст-баландликлар бўлмади. У фақат шоир эмас, драматург, таржимон, ёзувчи, танқидчи, олим инсон бўлиб ўтди.

Мен Миртемир домлани кўп бор Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида учратганман, гаплашганман. Талабалар шаҳарчасидаги 85-ётоқхонада бўлиб ўтган учрашувда китобларига дастхат ёзиб берганлар.

— Сен эски ўзбек тилини биласанми? — деб сураган мендан. У жуда содда, оддий, камгап, нозик дидли, нафосатли, файзли инсон, жуда чиройли кийиниб юрарди, қисқа ва маъноли сузларди. Миртемир домла билан Тўра ака Ғ.Ғулом ном-

ли Адабиёт ва санъат нашриётида танишган ва Тўра аканинг дадиллиги, шеърларидаги мантиқ, тупорилиги, соддалиги домлага маъқул келган.

Тўра ака Миртемир домлани доимо мард, қули очик, ёшларга ғамхўр инсон, деб билган. «Биз Миртемир аканинг этагидан кўп йиллар ушлаб юрдик. Лекин устоздаги салоҳиятнинг мингдан бири ҳам бизга юқмади, — дерди Тўра Сулаймон ўта камтарлик билан. — Миртемир домла қачон қалам ҳақи олса, ёш ижодкорларни тўплаб ош қилиб берарди. Кўп ҳолларда Сирдарёдан бориб қолсам, албатта бизни ошхонага олиб борарди. Ҳақини бизга тулатмасди. Энди ўйласам, болалари ёш, топиш-тутиши ҳам ҳаминқадар. Бизни Миртемир домла эҳтиёт қиларкан, ҳимоялар экан. Биз домладан кўп нарса ўргандик. Лекин ҳаммасига ҳам амал қилавермадик».

Лекин аслида бундай эмасди. Тўра ака ҳам саховатпеша инсон сифатида кўп ёш ижодкорларга ёрдам берган. Боқувчисини йўқотган кўплаб оилаларга кумаклашган, кўплаб танимаган одамларини даволатган, тўйларига бош-қош бўлган.

Тўра Сулаймон Миртемир домланинг шогирдиман, дейишга тула ҳақли бўлса-да, ўз ижодидан қониқмаслик, Миртемир домлани шогирдиман, дейишига монелик қиларди. Шоир ҳам дostonлар, ҳикоялар, публицистик мақолалар ёзди, анчагина асарлари қозоқ, қирғиз, турк, рус тилига таржима қилинди. Лекин Тўра Сулаймон бу асарларини тула маънодаги асарлар деб ҳисобламасдики, унда соддалик кучли эди. Шоирнинг бу хислатлари саховатпеша, савобталаблиги, юриш-туриши, гапириши, чапани эканлиги устози Миртемирни эслатарди.

2000 йил 28 ноябрда Миртемирнинг 90 йиллик тўйи Гулистонда нишонланадиган бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева барча ижодкорларни йиғиб, ташкилий қўмита тузди. Кечагидай эсимда, Тўра ака ёш йигитдай елиб-югуриб хизмат қилди. Фарзандлари Неъмат, Мирза, Ҳамидларни ҳам хизматга қўйди.

Рузаи рамазоннинг биринчи кuni эди. Пойтахтдан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов раҳбарлигида бир гуруҳ ижодкорлар ташриф буюрди.

Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилгач, тантаналар Олим Хўжаев номидаги вилоят му-



Тура Сулаймон муаллиф хонадоннда. 1999 йил 29 март.

сиқали драма театрида давом этди. Тадбир сунгида Абдулла Орипов: «Сирдарёга келиб, Тура аканинг уйига кириб кетмасак булмайди» деб, меҳмонларни шоирнинг уйига бошлади. Тура ака Миртемир домланинг шогирди эмасми, устозидан ҳар доим дастурхони очиқ турарди. Абдулла Орипов бунини яхши биларди. Шеъринг кечаси вилоят театридан Тура аканинг уйига кучди ва бу шеърхонлик мушоираси ярим тунгача давом этди.

Тура ака эртаси кунини менга телефон қилиб: «Туй қалай утди?» — деб суради.

— Зур! — дедим ҳар доимгидек. Тура ака устозининг туйидан, кунгилдагидек утганлигидан хурсанд эди. Ҳа, Тура ака хурсанд бўлишни, хурсанд қилишни ҳам яхши биларди.

Театрдан Усмон Азим кучага, унга эргашиб Илос Қувондиқов ва шоир Ҳаёт Шодмонлар ҳам бирга чиқишди.

Ҳаёт Шодмон савол бериб қолди:

— Усмон ака, ҳозирги кундаги энг зур шоир ким?

— Мендан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? — деди Усмон Азим жиддий равишда.

— Албатта, Тура Сулаймондан кейин, — дедим мен.

— Ҳа, Тура ака буюк шоир, ростки, куп ҳавасим келади бахши шоирга. Халқ оғзаки ижодини, Эргаш Жуманбулбулни у кишичалик яхши биладиган инсон йуқ, Тура ака ҳаммамизнинг устозимиз, — деди Усмон Азим.

Тура Сулаймон купчиликка устозлик қилди, устози Миртемир домла угитларига бир умр содиқ қолди. Мен Тура акага куп бор қойил қолганман. Бирор марта «мен фалончига яқинман» демаган. Чунки у мақтанишни ёмон курарди, янги ёзган шеърларини бировга курсатишни унчалик хушламасди. Тура акадаги бу босиқлик Абдулла Қаҳҳордан утган, дейишади. Чунки ҳис-ҳаяжон босилгандан кейин ёзганларига қайта-қайта ишлов бериб, хатоларини туғрилаб, кейингина бирор таҳририятга тақдим этарди.

Бугун, «Тура ака ёзган шеърини биринчи бўлиб менга олиб келарди, менга курсатарди», дегувчи шогирдлари купайиб қолди. Мен уттиз йилга яқин шоир билан салом-алик қилган бўлсам ҳам «мана, зур шеър ёздим», демаган. «Ҳаминқадар қоралама чизиб қуйдим, арзийдими, йуқми, бир назар ташланг, вақтингиз бўлса», дерди. У мана шундай камсуқум, камтар, ақл-заковатга эга катта шоир эди. Ҳар куни ёнимизда, сафимизда юрганларида негадир унчалик эътибор бермаган эканмиз, бугун қадри билинаяпти, унинг номи ҳар куни ун, йигирма минглаб болалар, усмирлар, фарзандлари, дустларининг тилидан тушмайди.

У бахтли инсон эди. Юрт равнақи, юрт фаровонлигини куйлаб, ашъорлар ёзди. Демак, юртпарварликни, садоқатни ундан урганишимиз керак.

СИРДАРЕ ЁИҒЛАДИ

Тура Сулаймон 2005 йилнинг саратонида Зомин сиҳатгоҳида дам олди. Лекин ёлғизлик, дустлар дийдори уни Гулистонга етаклади. Зоминдан қайтганидан кейин салқин жойдан бирданига босими оғир ҳавога ургана олмадими, мазаси қочиб,

Гулистон шаҳридаги касалхонага ётқизилди. Ун беш кунлар атрофида тажрибали, юқори малакали шифокорлар атрофида парвона бўлди. Лекин соғлиғи уни безовта қилаверди. Август ойида ҳам асосан касалхонада ётди. Сентябрь бошидан уйига рухсат тегди. 4 сентябрда яна вилоят касалхонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилди.

2005 йил 9 сентябрь куни эрта тонгда ўзбек адабиётининг булбули, Сирдарё вилоятининг ғурури, фахрига айланган инсоннинг юраги уришдан тухтади. Мирзаобод туманидаги Турғун Аҳмедов қишлоғига республикамиздан, қушни Республикалардан кўплаб ижодкорлар шоир билан видолашгани келди.

Видолашув митингида сузга чиққан ҳар бир киши кўзига ёш олди. Ҳатто шарқираб оқаётган Сирдарё йиғлади.

Шоир васиятига кура, у отасининг жасади мангу кўним топган Сайхунобод тумани Ш.Рашидов қишлоғи қабристони-га дафн этилди.

СОЯСИ БОР ОДАМ

«Эр йигит ўзи учун эмас, эли учун яшайди» деган мақол Тўра Сулаймоннинг ҳаётий шиори эди. У кўп вақтини кимларгадир дори излаш, кимларнингдир фарзандини операция қилдиришга ёрдамлашиш, кимларнингдир олаётган уйларини бориб куришга бағишларди. Энг асосийси, инсонларга суянчиқ бўлишни яхши кўрарди.

Бир куни гап орасида фалончининг «сояси йўқ» деб қолди. «Сояси йўқ одам» ҳам бўладими?» деб ҳайрон бўлдим. «Соддасиз-да, соясиз одам ҳам бўлади, — деди. — Ҳуш, фалончиларни кимга фойдаси тегди ёки теккан, юбилейини ҳам бировларга юклади-ку, бирон одамга фойдаси тегмаган одам — сояси йўқ одамдир».

Сояси бор одамларга мисоллар келтирди. «Машҳур ҳофиз Нажмиддин Уринов, найчи Абдурахмон, Фарҳод, полковник Турсунбой, Абдурахим. Худога шукур булар анчагина», деди. Шундагина мен у доимо кимнингдир, етти ёт бегоналар учун ташвиш чекиб юриш сабабини тушунгандай бўлдим.

Бизнинг Тўра Сулаймон мана шундай узгалар ғами, ташвиши билан яшайдиган ҳожатбарор инсон эди.

Тура ака ута кунгилчан, айна вақтда ута қаттиқкул эди. Агар фаросатсизликни, кунглига утирмайдиган воқеани курса, томдан тараша тушгандай гапириб ёки индамай урнидан туриб жунаб қолар эди. Сезардикки, устозга нимадир ёқмади.

Тура аканинг эълон қилинмаган бир неча юзлаб шеърлари қолди. Гап бу ҳақида эмас. Гап, шоирнинг шеърлари ҳар бир инсон учун беғараз, бетаъма ёрдамчи, маслаҳатчи эканлиги, ҳақидадир.

«Асрагай», «Суянма», «Қисмат», «Осмон уртасинда уртанадир ой» каби шеърлари ҳар қандай одамни ҳайратлантиради.

Тура Сулаймоннинг тил маданиятига оид «Тил — ўзагимизнинг, узлигимизнинг, узига беклигимизнинг бош белгиси» мақоласи «Ўзбекистон овози» газетасида Олий Мажлис сессияси кунлари чоп этилди. Бу мақола республика телевидениеси, радио ходимларига, журналистларга атаб ёзилган эди. Тура ака бу мақолани тахминан бир-икки ойлар ичида тайёрлади. Куплаб тилга оид китобларни урганиб чиқди. Мақола тайёр бўлганидан кейин эса тилшунос мутахассисларга яна бир бор уқитиб олди.

Бу мақола, албатта, анча тилшунос, журналистларга ёқмагани аниқ. «Сен саводсизсан, ўзбек тилини билмайсан, ўзбек тилини ўрганиб, кейин гапир», деб башарасига ойна тутса ҳеч кимга ёқмасди. Лекин шоир рост гапни, тўғри гапни, ҳақиқатни, улмас, улмайдиган гапни матбуотда қурқмай, ҳайиқмай айта олди.

Биз шоғирдлари унинг ижодини, асарларининг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига кенгроқ, яхшироқ сояси бор одамнинг сояси нимадан иборатлигини тушунтиришимиз зарур.

СОҒИНЧ

2005 йил қишлоқ хужалиги ва бошқа соҳалар учун анча омадли келди. Режалар ортиғи билан бажарилди. Ғалла, пилла, пахта хирмонлари тулди. Лекин... ижодкорлар учун йил анча ташвишли, қайғули келди. Наиллож, буни ҳаёт дейдилар.

2005 йил 9 сентябрь. Шу куни эрта тонгда Тура Сулаймон бу ёруғ дунёдан куз юмди. Ўзбек халқининг суюкли ижодкори, тилимизнинг ғамхури, халқ оғзаки ижодининг чуқур билимдонининг қулидан қалами тушди. Ёзилмаган оқ қоғозлар, китоб ҳолига

келтирилмаган қораламалар етим қолди. «Шундай одамлар ҳам бўладики, туғилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам улганда бутун юрт аза тутади», деган эди Абдулла Қаҳҳор. «Дарахтнинг баландлиги у йиқилганда билинади», деган ҳикмат ҳам бор халқимизда. Тура Сулаймон ҳар куни ёнимизда юрарди, кун ора «соғиндик», деб телефон қиларди, уч-тўрт соатлаб гурунглашардик. Қаерда бирон йиғин, машварат, маърака бўлса, у киши бизни бошлаб борарди. Тура Сулаймон бизнинг устунимиз, суянган суянчигимиз, маслаҳатгуйимиз, журабошимиз эди.

Саксонинчи йилларнинг охирида Тура ака билан Тошкентдан Гулистонга автобусда бирга келдик. Эртаси куни кечқурун телефон жиринглаб қолди.

— Академик Сулаймонов безовта қилаяпти, — деган овоз келди гушакдан.

— «Хайронман. Менинг академик Сулаймонов, деган танишим йуқ-ку?» деб уйлайман. Академик Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Аҳмадали Асқаровни биламан, уни эслай олмадим. Гушакдаги одам эса жавоб кутиб турибди.

— Эслай олмадим, — дедим хижолатпазлик билан.

— Ҳа, сиз ҳам узимиз қатори экансиз. Мен академик Сулаймоновман, деяпман. Кеча Тошкентдан бирга келдик-ку!

— Эсладим, Тура акамисиз? Шундай демайсизми? — деб гина қилган бўлдим.

— Соғиндик, вақтингиз бўлса келинг, думғаза шурва қилдим, — деди.

Мен шундагина Тура аканинг «академик шоир» деб аталишини билиб олдим. Халқ эъзозлаб, уни «академик» деб атарди.

У дидли, нафосатли, нозик табиатли эмасми, кунгилга яқин кишиси билан гаплашиб чарчамасди, «очилич» кетарди. Вафотидан кейингина англадимки, у кунгли яқин кишиларнинг доимо ёнларида бўлишни истаркан. Афсуски, иш, вазифа, турмуш ташвишлари, деб шоирнинг истакларини ҳар доим ҳам кунгилдагидек адо эта олмадим.

Утган ёзда касал бўлиб, шифохонага тушди. Ҳар куни куришиб турдик. 8 сентябрь куни кечқурун икки оғизгина гаплашдик.

— Азроил ҳам ношудроқ экан, шекилли, Равшанбек, жоним қаердалигини тополмай адашиб юрибди, чоғи, — деди ҳазил аралаш, ориқлаб кетганига ишора қилиб.

— Ҳали бардамсиз, яхши булиб кетасиз, — делим.

Бошини сарак-сарак қилди. Яна нималардир демоқчи бўлди, лекин демади. Эртаси куни тонг саҳарда шоирнинг катта ўғли Неъмат уйга телефон қилди: «Отам оғирлашиб қолдилар. Сизни сўраяптилар».

Вилоят телерадиокомпанияси раиси Илёс ака билан касалхонага етиб бордик. Афсуски, улгура олмадик. Устознинг жони узилган экан. Гулистон, Сирдарёгина эмас, гўё бутун рўйи жаҳон ҳувиллаб қолгандек бўлди.

Тура Сулаймон Сирдарёнинг юраги, жулқин қушиғи эди. Қайси вилоятга борсам, кимни (айниқса, ижодкорларни) учратсам, уша кишининг биринчи сўрайдиган кишиси Тура Сулаймон буларди. Наманган, Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқандда ҳам уни уз жигаридай яқин, сулокли шоири деб билишарди.

Афсуски, улим ҳақ! Тура Сулаймон бир инсон қилиши мумкин бўлган барча ишларни қилди. Солиҳ фарзандлар қолдирди. Маънавиятимиз, маърифатимиз тараққиётига муносиб улун қушди, бир-биридан гузал, бетакрор, улмас асарлар, дostonлар, эртаклар, публицистик мақолалар ёзиб қолдирди.

«Тура Сулаймоннинг иккинчи умри бошланди», деган эди истеъдодли ёзувчи Набижон Боқий. Ҳақ гап. Тура Сулаймон шеърлари билан айтиладиган қушиқлар ҳар куни радио ва телевидение орқали янграмоқда. Бу улмас қушиқлар ёшлар қалбига маънавият нурини улашиши, шубҳасиз.

Шоирнинг қаҳрамонлари ҳам унга ухшаган оддий, камтар, камсуқум, ҳамма билан гаплашиб кета оладиган, тўғри гапдан қайтмайдиган: Эргаш Жуманбулбул ўғли, Омонкелди оқсоқол, Мамарайим, Абдуғани кабилар. Шоир «Эргаш Жуманбулбул эл кезади», деб Эргаш бобо тилидан юртимизда юз бераётган ютуқлардан хурсанд бўлса, қусурлардан, камчиликлардан хижолат тортади.

Тура ака қачон янги асар ёзса ўқитиш учун баҳона топарди.

— Равшанбек, куришмаганимизга ҳам юз йилча бўлди-ёв, йуталнинг дорисини Бахмалдан олиб келдим, янгисидан, — дерди.

Хонадонларига боришим билан ёш, чаққон йигитлардай чой дамлар, столнинг устини турли ноз-неъматлар билан тулдириб ташларди-ю, «сиз, мана бу қораламани ўқиб тулинг», деб шеър

ёки мақоласини қулимга тутқазарди. Кейин биргалашиб бу янги, ҳали ҳеч ким уқимаган асарни соатлаб муҳокама қилардик.

Тура ака одамларни бадиий тафаккури билан ҳайратлантира оладиган олижаноб, узига хос феъл-атворга эга булганлиги боис кўпгина ижодкорлар билан ёзишмалар олиб борган. Зулфия, Сарвар Азимов, Ғафур Ғулом, Туроб Тўла, Турсунбой Адашбоев, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев каби унлаб ижодкорларнинг ёзган хатларини уқиганман.

Тура Сулаймон назари туқ инсон эди.

Сувлар ҳам тиниди сунбула келиб,
Тиниб — тинчимасди бу кўнглим, ҳайҳот.
На баҳор, на ёздан, на тукин куздан
Ҳечам қониқмасди, бу кўнглим, ҳайҳот!

Тура Сулаймоннинг қутлуғ номи ўзи суйган, ардоқлаган жаннатмакон юрт одамлари учун ҳамеша азиз ва ўчмас бўлиб қолади.

ХУЛОСА УРНИДА

Ҳар бир даврнинг, ҳар бир инсоннинг ҳаётда узига хос фалсафаси бўлади. Бутунги даврнинг фалсафаси — «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиздир» (И.Каримов). Биз юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш учун бутун билимимизни, ақл-заковатимизни сарфлашимиз зарур.

Тура Сулаймон асарлари ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, етук, давр талабига жавоб берадиган, рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Сочта бир-бир оқ тушмоқдадир,
Бундан кўнгил ёришмоқдадир,
Қор бўларми пастқам тоғларда,
Бошим кукка туташмоқдадир.

Бу сатрлар юрагида ути бор одамни сергаклантиради, уйлантиради, утган умрига нисбатан баҳо беришга чорлайди. Чунки инсон ҳар бир утган кун, ойи, йили учун узига-ўзи ҳисоб бери-

ши лозим. «Утган умрим моҳиятлими, мазмунлими? Мендан нима қоляпти?» деб уйлаши ва шунга яраша меҳнат қилиши зарур.

Тура Сулаймон шеърларида дидактика жуда кучли.

Яхшининг яхши кунда суюклиги,
Айтилар теранлиги, югруклиги.
Ой юриб, омон бориб, Ойдан боқса,
Билинар ҳурриятнинг буюклиги, —

деган шоир ҳақ эди. Мустақиллик — улуғ неъмат. Мустақиллик — улкан масъулият. Мустақиллик — орзу қилинган катта имконият. Бутун юртимиздаги узғаришлар, бунёдкорлик ишлари мустақиллик шарофатидандир.

Исо пайғамбар Тур тоғида Худо билан баҳслашаркан:

— Мен сендан зўрман, — дебди.

— Йўғ-е, — дебди Худо.

— Мен сендан зўрман! — такрорлабди Исо пайғамбар.

Бундан Худонинг қаҳри келибди, тоғлар титрабди, қоялар қарсиллабди.

— Мен сендан барибир зўрман, — яна такрорлабди Исо пайғамбар.

— Сабаб?

— Сабаби, менинг сендай Худойим бор, сенинг киминг бор?

Ҳазрат Исо пайғамбарнинг бу гапи Худога хуш ёқиб, қаҳри меҳрга айланибди.

«Тура Сулаймоннинг нимаси бор?» десангиз, ўлмас, умр-боқий шеърлари, дostonлари, қатралари, ҳикоялари, публицистик асарлари, китоблари бор, деган бўлардим.

«Сизу бизнинг кимимиз бор?» деган саволга: Тура Сулаймондек академик шоир, олимимиз бор, деяр эдим.

«Яна нимангиз бор?» десангиз, «Муқаддас ва муборак она Ватанимиз бор. Жонажон буюк салоҳиятта эга халқимиз бор. Фахрланиш мумкин бўлган утмишимиз бор. Жаҳонни донг қолдириб, утган улуғ аждодларимиз бор. Буюк келажагимиз бор. Шу ёруғ кунларни орзу қила-қила оламдан ўтган улуғ зотларимизнинг орзуларини руёбга чиқараётган, барчамизни куз қорачиғидай эҳтиётлаётган, туғри йулни курсатиб бераётган, доно, мутафаккир Юртбошимиз бор», деган булардим.

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

— Нима учун сирдарёлик ижодкорларнинг асарлари ҳақида сирдарёлик адабиётшунослар тақриз ёзмайдилар?

— Улар Тошкентдаги айланма курсида утириб, йирик асарлар ёзадиган, фойдаси тегалиган ёзувчи-шоирларнинг асарлари ҳақида ёзадилар. Эшитмаганмисиз, бор товоғим, кел товоғим, деб.

* * *

Бу хонимни адабиёт оламига олиб кирган нарса у кишининг қаламкашлиги эмас, қаламқошлиги.

* * *

Олим билан олимнинг амал талашиб, бир-бирининг аёғидан олиб турган ерда сув тегирмонига йул бўлсин.

* * *

Амал илинжида тамшаниб юрган олимни зиёкор эмас, зиёнокор деб айтадилар.

* * *

Э худо, мени мумин-қобил қилиб яратганингдан кура, шу университетнинг декани қилиб яратсанг булмасмиди!

* * *

У — сояси бор одам.

* * *

Суянса, суянгулик, ишонса, ишонгулик, орқа қилса, орқа қилгулик сиёқи бор.

* * *

Садоқатли хонимдан саодат саси келур.
Магар ҳамсуҳбат бўлсанг, Навруз нафаси келур.

* * *

Қултиғингга қул солмоқчи бўлган ғанимдан қурқ.
Қошига усма, кузига сурма... қуйиб кучага чиқувчи хоним-
дан қурқ.

* * *

Суюшни билмаган кимса куюшни биларми эди.

* * *

Куча боласи дегани: отаси ундан-бундан, онаси қизил гул-
дан, дегани.

* * *

— Ёмон хотун куп қилади тақални. Қирққа кирмай оқарти-
рар соқолни, дебсиз. Яхшиям бахтингиз бор экан, туқалига
йўлиқмабсиз. Ё булмасам аймоқ-саймоғига, қатик эмас, қай-
моғига дучор булмабсиз. Шундайига йулиққанингизда, қирққа
киргунингизча қараб турарми эди. Э-ҳа!..

* * *

Қалби қора билан ётдинг нима-ю, қабрда ётдинг нима?

* * *

Рузгор, тирикчилик дегани биргина тушакдан иборат эмас...

* * *

Борида совурар хотундин кеч!
Йўғида қайғурар хотундин кеч!

* * *

Ёмон бирла ётмагил,
Эрта туриб айтмагил.

* * *

Хаёсиз бирла ҳамнафас бўлганинг —
Касратки бирла ҳамқафас бўлганинг.

* * *

Пардали рашк — аёл кишининг арки,
Пардасиз рашк — паймол қилинган эрки.

* * *

Хотунининг изн-ихтиёри билан юрадиган йигит — ё майиб,
ё мажруҳ, ё мижози совуқ. Нима булганда ҳам бир иллоти бор
булса кераг-ов. Булмасам, уз онасини “Қариялар уйи”га олиб
бориб ташларми эди? Эҳтимол, келин пошшо оқшомлари илон-
га айланадурғон парипайкарлар наслидандур? Яна ҳам булса
ким билади, дейсиз...

* * *

Эркакча кийиниб юрадиган қиз-жувонларнинг ер юзида
юриши биргина элга эмас, ерга ҳам малол келар эмиш.

Энг ёмони қадамлари етган ерда гиёҳ ҳам унмас эмиш. Бу
Ғарбнинг бизларга юбораётган ғарбона (ғарибона) “улгула-
ри” бўлмасин яна!

* * *

Эрининг юзидан оладиган аёлда юзнинг ўзи борми, десан-
гиз-чи?

* * *

Кундузлари куча-қуйларда чапиллатиб сақич (жипачка) чай-
наб юрадиган санамлар тунлари нима чайнаса экан? Менга деса
қазии еб юрмайдиларми, дерсиз. Ҳақиқатан ҳам... Ва лекин қайда
қолди бизнинг уша шарқона иболаримиз? Боз устига бу нарсани
чайнашга йититчаларимизнинг ҳам бел боғлаб киришиб кетишлари
кишининг қузига чалишликнинг бир белгиси бўлиб куринади.

* * *

Жуқийдан дустинг бўлса, ёнингда ойболтанг булсин.

* * *

Қорин қайғуси — бир дамлик,
Қадр қайғуси — аламлик.

* * *

Жуқий қўнган овулга лули зоти доримас.

* * *

Уққа учган — қабрли,
Гапга учган — жабрли.

Минг ҳаловат бир аламга арзимас,
Жуқий зоти эҳтиромга арзимас.

Қушиқни ёзган биров. Айтган биров. Куйган биров. Қизиқ...

Кунглингни қоралиги — йулингни қоралиги.

Жуқий уруғи купайса, элдан имон кутарилар эмиш.

Тоши ўрга юмалаганнинг пишаги, иши кейин кетганнинг итини талар эмиш.

Мунофиқликнинг нималигини билмоқчи бўлсанг, Жуқий зотига шогирд туш.

Сенинг нимангга ҳавас қилиб, нимангга ҳасад қилдим!

Қарчиғай қарчиғайдан курганини қилмай, қузғундан кўрганини қиларми эди.

— Ҳар бир мўйингизнинг ўзи бир мўъжиза, — дер эди Жуқий вилоят раҳбарларидан бирига. У киши бу гапга ишонар эди. У бу гапга у кишини ишонтира олар эди. Бу эса ҳамманинг ҳам қулидан кела бермас эди.

Арпа билан буғдойни қўшиб совурсанг ҳам, қўшиб қовурсанг ҳам арпа арпалигича, буғдой буғдойлигича қолади.

Қурбақа узи яшайдиган ботқоқликни Боғи Эрамга менгза эмиш.

Баъзи бир одамлар сассиқ алафга ўхшайди: атрофида на туриб булади, на суҳбат қуриб булади.

Ҳар бир касб-кор эгаларининг эл назар қилган назаркардалари булганидай Жўқийларнинг ҳам назаркардалари булар экан: Аюб Назар, Ғаюб Назар, Ғариб Назар, Дориб Назар, Уроқ Назар, Қуроқ Назар. Ё қудратингдан!

У — узгалар тилини ўрганиб, уз тилидан бебаҳра булган бебахтлардан.

Унинг талантидан кура, товламачилиги устувор.

У асли ижодкор эмас, ижодхор.

Саёз дарёнинг шовқини катта бўлади.

Мен сен билан сахна талашмайман, майдон талашаман.

Байт:

Хавф-хатар сезилар тез келган бахтда,
Самар бўла бермас ҳар бир дарахтда.

Тура Сулаймоннинг қуйма сатрларини, ҳайкал қуйса бўладиган айрим шеърларини, сатрларини Сиз — азиз китобхонларга илиндим.

Уқинг, уқинг, ёд олинг!

Сен бор ердан зулмат нари чекинар бўлсин,
Эътиқод, иймонингга шайтон юкинар бўлсин.
Ҳар босган қадаминг, юриш-туришларингга,
Дустларинг шодмон бўлиб, ғаним укинар бўлсин.

Таёқ зарби бошни ёрса,
Суз қудрати тошни ёрар.

Эл-улуснинг юрак қури
Қирқ қулоқли дошни ёрар.

* * *

Гар ихтиёр этсангиз, бустонга айлангуси
Бу диёрнинг дашт-дала, чуллари, ёбонлари.
Сизлар улус таянчи, қувонч, кўрк, ифтихори,
Сарҳад, қалъаларини қуриқлар посбонлари.
Токи Сизлар бор экан хатар нелигин билмас,
Мустақил бу улканинг мустаҳкам қурғонлари.

* * *

— Бу юлдузлар кимнинг канизаги деб,
Кимни айтар туннинг кўрк, беаги деб,
Қуёшнинг кўкдаги эгизаги деб,
Осмон ўртасинда нозланадир Ой.

— То офтоб чиққунча ботмасам дея,
Зулмат қўйнида ётмасам дея,
Ётиб, бадном бўлиб қайтмасам, дея,
Осмон ўртасинда ўртанадир Ой.

* * *

То она табиат менга ёр экан,
Ҳар дами ғанимат, бетакрор экан,
Диёнат бор экан, ялтоқ хор экан,
Ўзилмас торларим, синмас созларим.

* * *

Ҳикмат асли сочининг оқлиги,
Эзгуликка эш, чанқоқлиги.
Шукронаким, қолган умрнинг
Тунмас, тонгга ёвуқроқлиги.
Қор тамоми кўнминидир бошга,
Қарамасдан кўнгилга, ёшга.
Буюк тоғлар мисоли бошим
Яқин булар энди қуёшга...

БУ ЭЛНИНГ УҒЛОНЛАРИ

*Машҳур «Меҳнат аҳли» қушиғининг
ижросига ҳавасланиб*

Ассалому алайкум, бу элнинг уғлонлари,
Алпомиш, Мангуберди, Гуруғли султонлари.

Жонажон ўз халқининг суянган Асқар тоғи,
Елкаси ер курмаган не марди майдонлари.

Пойи қадамларингиз етган ер қутлуғ асли,
Ота-оналарининг дардига дармонлари.

Дили дилларингизга пайванд қорасочларнинг
Бу дунёда бормикин бирон-бир армонлари.

Гар ихтиёр этсангиз, бустонга айлангуси
Бу диёрнинг дашт-дала, чуллари, ёбонлари.

Сизлар улус таянчи, қувонч, кўрк, ифтихори,
Сарҳад, қалъаларини қўриқлар посбонлари.

Токи Сизлар бор экан хатар нелигин билмас,
Мустақил бу улканинг мустаҳкам қургонлари.

Шаъни-шавкатингизга олқов битиш билан банд,
Баҳмал кентининг унлаб Тура Сулаймонлари.

УЗИ БИР МАМЛАКАТ МАМЛАКАТДА СИЗ

*Ҳиндистоннинг оташин фарзанди
Жавоҳарлал НЕРУ ҳамда Халқ-
аро Нилуфар мукофоти соҳибаси,
Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия-
хонимга*

Ой ҳам чиқмас эмиш, тонг отмас эмиш,
Офтоб ҳам нурини таратмас эмиш,
Гулзорлар кўнгилни яйратмас эмиш,
Сиздай шоираси йўқ ватанларда.

Қизлари ой мисол тулмас эмишлар,
Вафо нелигини билмас эминлар,
Салоқатга сажда қилмас эмишлар,
Сиздай шоирасиз ошиёнларда.

Қадр топмас эмиш Олия зоти,
Биби Марям зоти, Хурия зоти,
Момо Ҳаво зоти, Индира зоти,
Сиздай шоираси йуқ ватанларда.

Йигитлар тонармиш уз онасидан,
Келинчаклар борлиқ таманносидан,
Ошиқлар маъшуклар — парвонасидан,
Сиздай шоираси йуқ ошиёнларда.

Шеърят илоҳий саналмас эмиш,
Буюк сиймолар тан олинмас эмиш,
Чарх ҳам меъёрида айланмас эмиш,
Сиздай шоираси йуқ ватанларда.

Тулиб оқмас эмин дарёлар, сойлар,
Богда таралмасмиш муаттар буйлар.
Бахтин тополмасмиш не моҳируйлар,
Сиздай шоираси йуқ маконларда.

Булганлари билан ҳадсиз бисоти,
Сандиқ-сандиқ тилло, уюрлаб оти,
Қашшоқ саналармин маънавияти,
Сиздай шоираси йуқ ватанларда.

Узи бир мамлакат Мамлакатда Сиз,
Тахт-тождин устувор қаноатда Сиз,
Бирда Шамс буржида ҳимоятдасиз,
Бирда Ой, Чулпонсиз бу ошёнларда.

Сизга топинурлар, ихлос қилурлар,
Ҳамнафас булмоқни ҳавас қилурлар,
Еттинчи фалакка қиёс қилурлар,
Минглаб мухлисингиз биз томонларда.

ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН

Синглим Коммунага

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён.
Сарви, санобаримдир? — Соч бир ён, суман бир ён.
Саҳар, субҳи содиқда мушк бир ён, мужтон бир ён.
Тун пардасин тортса гар
ой бир ён, осмон бир ён.
Усган боғига олқов, устирган боғбонига,
Халфу хатардан сақлай келган соябонига,
Андалиб қунар, зоғлар қунолмас бустонига.
Мақтовига мен бир ён,
борлиқ сухандон бир ён.
Ҳаким зот бор ерда дард бир ён, дармон бир ён.
Ёринг жафокаш булса, уй бир ён, зиндон бир ён.
Икки жон бир булмаса — шам бир ён, шамдон бир ён.
Айри булса йуллари,
туғ бир ён, туғён бир ён.
Қуриқчиси булардим боғимда унар булса,
Кузим келмай баҳорим қайта бошланар булса,
Солномачиси булай магар у Қамар булса,
Қасам ичиб айтаман:
намак бир ён, нон бир ён.
Қумри, саъва ошиён айлар бир гулафшон бу,
Бир кокили Сир булса, ул бири Зарафшон бу,
Илоҳий санамлардан бир зурёд, бир нишон бу,
Керак булса магар жон,
жон бир ён, жаҳон бир ён.
Бу оламда Ой танҳо, муборак Қуёш танҳо,
Буй қизларнинг ичинда бир шу эгма қош танҳо.
Унингдек ҳеч ким менга булмаса сирдош танҳо,
Гуруғли султон бир ён,
Тура Сулаймон бир ён.

МУНДАРИЖА

Ижодкор бурчи (<i>Муқаддима</i>)	3
Давлат одами	6
Халқ шоири	13
Юрак эҳтиёжи	18
Академик	22
Истеъдол	24
Сайхон	27
"Осмон ўртасинда ўртападир ой"	28
Тўра Сулаймон — ёзувчи, публицист	29
"Тил — ўзагимизнинг, ўзлигимизнинг, ўзига беклигимизнинг бош белгиси"	30
"Аслида бешикдан бошланар қўшиқ"	32
Тўра Сулаймон — жўрабонши	37
Бахмал	39
Тўра Сулаймон — профессор	42
Миртемир ва Тўра Сулаймон	44
Сирдарё йиғлади	47
Сояси бор одам	48
Соғинч	49
Хулоса ўрнида	51
Тафаккур гулшани	54
Бу элнинг ўғлонлари	60
Ўзи бир мамлакат мамлакатда сиз	60
Гул бир ён, чаман бир ён	62

Адабий-бадний нашр

Равшанбек Маҳмудов

ТУРА СУЛАЙМОН

Рисола

Муҳаррир *Илҳом Зайир*

Мусаввир *Аҳмаджон Бобожонов*

Бадний муҳаррир *Анатолий Бобров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳих *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4725

Босишга 28.07.08 й да рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₁₆ Таймс гарнитураси.
Офсет босма. 3,72 шартли босма тобоқ. 4,5 нашр тобоғи. Адади 4000 нусха.
281 рақамли буюртма. 83—2008 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент. Навоий кучаси, 30.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кучаси, 86.
Бизнинг интернет манзилимиз: www.ipidgulom.uz